

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

САНЪАТ ВА МУХАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ
КАФЕДРАСИ

Бибалаев Шерзод Тургунбаевичнинг

5140700- ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУХАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ
УЧУН **«ТАСВИРИЙ САНЪАТГА ИХТИСОСЛАШГАН МАКТАБЛАРДА
ПОРТРЕТЧИ РАССОМЛАР ИЖОДИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ»**
МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Ғофуров Ж.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.

_____сонли баённомаси” _____” 2012йил

ГУЛИСТОН – 2012

МУНДАРИЖА

К И Р И Ш.....	3
I-БОБ. ТАСВИРИЙ САНЪАТГА ИХТИСОСЛАШГАН МАКТАБЛАРДА ПОРТРЕТЧИ РАССОМЛАР ИЖОДИ БИЛАН ТАНИШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.....	11
1.1 Портретчи рассомлар ижоди билан таништиришнинг назариядаги ҳолати.....	11
1.2. Портретчи рассомлар ижоди билан таништиришнинг тарбиявий аҳамияти.....	19
II-БОБ. ТАСВИРИЙ САНЪАТГА ИХТИСОСЛАШГАН МАКТАБЛАРДА ПОРТРЕТЧИ РАССОМЛАР ИЖОДИ БИЛАН ТАНИШТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ВА ПЕДАГОГИК ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ.....	28
2.1. Портретчи рассомлар ижоди билан таништиришда ўқитувчи маҳоратининг дидактик имкониятлари.....	28
2.2. Ўтказилган тажриба-синов ишларининг мазмуни ва унинг натижаларини таҳлили.....	50
Хулоса ва методик тавсиялар.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	
Илова.....	

К и р и ш

Муаммонинг долзарблиги Республикамизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий - иқтисодий ислохатлар жаҳоннинг юксак ривожланган мамлакатлари қаторидан эгаллашимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, “Таълим тўғрисида” ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури хужжатларининг қабул қилиниши келажаги буюк давлатимиз учун рақобатбардош кадрлар тайёрлашда кенг имкониятлар яратмоқда.

Ҳамма соҳада бўлгани каби, тасвирий санъат таълим ва тарбияси тизимига ҳам туб ўзгаришлар киритиш, уни амалга ошириш учун етук мутахассислар педагог тайёрлаш бўйича янги Давлат таълим стандартлари, ўқув режари, намунавий ўқув дастурлари, ўқув қўлланма ва дарсликлар яратилиб, барча жойларда тажриба - синов ишлари олиб борилмоқда. Бу ўринда педагог олимлардан Хасанов Р., Булатов С., Сулаймонов А., Бойметов Б., Абдуллаев Н.,Толипов Н.,АбдирасиловС. ва бошқаларнинг номларини тилга олиш жоиздир.

Аммо, тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда портретчи рассомлар ижоди билан таништириш учун мутахассис ўқитувчининг касбий тайёргарлик масаласи алоҳида муаммо сифатида тадқиқ этилган, деб бўлмайди.

Инсон портретини тасвирлашга рассомлар қадимдан қизиқиб келганлар. Олий ўқув юртлари бадиий графика факультети ўқув дастурларида инсон портретини тасвирлаш мавзусига алоҳида ўрин ажратилган.

Замонавий педагог рассом портрет ишлаш бўйича профессионал малакага эга бўлиш билан бир қаторда, инсон психологиясини уқий оладиган

хамда унинг юз тузилишини тасвирлаш орқали ички дунёсини кўрсата олиш зарур.

Амалиётдаги кузатувлар шундан далолат берадики, умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат таълими ва тарбияси, айниқса тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда портретчи рассомлар ижоди билан таништириш муаммолари талаб даражасида эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири тасвирий санъат ўқитувчиларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларга тайёргарлик даражаси қониқарли эмаслигидир.

Муаммонинг долзарблиги, назарий ва амалий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда биз ушбу тадқиқот мавзусини танладик.

Тадқиқотнинг мақсади: тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда ўқувчиларни портретчи рассомлар ижоди билан таништиришнинг илмий асосини такомиллаштириш ва тегишли шарт - шароитлар яратишдан иборат.

Тадқиқот ишининг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги **илмий фараз** белгиланди, агарда:

- тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда ўқувчиларни портретчи рассомлар ижоди билан таништиришнинг такомиллашган назарий асосга эга бўлса ;
- тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда ўқувчиларни портретчи рассомлар ижоди билан таништиришнинг асосий қонун қоидалар ўрганиб чиқилган бўлса ;
- буюк тасвирий санъат усталарининг портрет жанридаяратган ижодий асарлари билан танишиб чиқилган бўлса;
- ўқувчиларнинг миллий санъатга қизиқишларини орттиришлари учун тегишли амалий дастурлар ўқув қўлланмалар ва тавсияномалар яратилган бўлса, илмий тадқиқот иши тўлиқ амалий ифодасини топган бўлади.

Мазкур фароздан келиб чиқиб қуйидаги асосий ***вазифалар белгиланди:***

- тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда ўқувчиларни портретчи рассомлар ижоди билан таништиришнинг такомиллашган назарий асосларини ўрганиб чиқиш;
- портрет ишлашда перспектива, конструкция, ёруғ - соя, чизиқли конструктив тасвир каби асосий қонунларни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини аниқлаш;
- ўқувчиларни портрет тасвирлашда маҳаллий манбалардан тузилган қўйилмаларни чиздириш орқали миллий санъатга бўлган қизиқишларини орттириш мақсадида тегишли амалий дастурлар, ўқув қўлланмалар ва тавсияномалар яратишдан иборат;
- буюк тасвирий санъат усталари томонидан яратилган портрет ишлаш қонун қоидалари билан ўқувчиларни таништириш йўллари асослаш.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти:

- тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда ўқувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлаш орқали ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш ҳамда уларнинг билим малакаларини ошириш
- тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда ўқувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлаш ва ўқувчиларни қадимий ҳамда ҳозирги санъатимиз билан яқиндан таништириш
- тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда рассомларнинг портрет жанрида ишлаган ижодий ишларидан тузилган кўргазмалар уюштириш

Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб Каримов И.А. нинг илмий асарларида келтирилган тасвирий ва амалий санъани ривожлантириш

тўғрисидаги фикрлари, таниқли тавсирий санъат усталари Абдуллаев А., Ахмедов Р., педагог- олимлар Хасанов Р., Сулаймонов А., Бойметов Б.,Толипов Н., Тожиев Б., санъатшунослар Абдуллаев Н. ва Ойдинов Н. ларнинг ижодий ва илмий асарлари хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг объекти: тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда ўқувчиларни портретчи рассомлар ижоди билан таништиришга тайёрлаш тизими.

Тадқиқот ишининг предмети: тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда ўқувчиларни портретчи рассомлар ижоди билан таништириш жараёни.

Тадқиқот ишининг базаси этиб Гулистон шаҳар 16- мактаби олинди

Тадқиқот ишининг тузулиши: кириш 2 боб ва унинг 4 та таркибий қисми, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган.

1.1 Портретчи рассомлар ижоди билан таништиришнинг назариядаги ҳолати

Портрет оддий, мураккаб кенг маъно ташувчи, воъсани акс эттирувчи бглиши билан бир-биридан ажралиб туради. Республикамизда ижод зилаётган ктплаб рассомлар орасида портрет усталари рам бор. Улар заторида А.Абдуллаев, Р.Армедов, Н.згзбоев, В.Бурмакин, Б.Бобоев, Р.Чориев, А.Икромжонов, М.Нуриддинов, С.Рарметов ва бошза ктпларни санаб гтишимиз мумкин. Мамлакатимизнинг энг танизли, мароратли портретчи рассоми эса, албатта Абдулмаз Абдуллаев деб эътироф этсак гринли бглади. Чунки бу мусаввир гзбек портретчилиги санъатига улкан муваффазиятлар келтирган инсондир. Маълумки М.Набиев рам портрет санъати намуналарини жуда ктпини яратган рассомдир. Мусаввирнинг «Амир Темур» портрет асари ва «Бобур портрети», «Абу Райзон Беруний портрети» ктпчиликка маълум ажойиб асарлардир десак янглишмаймиз.

Академик йғналишдаги портретни ишлашнинг гз 3онун-3оидалари бор. Улар г3ув-маш3 иши эканлиги, 3атый меъзонлар доирасида, методик изчиллик асосида бажарилишини биламиз. Аммо унинг барча талабларига мувофи3 иш олиб бориш анча мураккабдир. Бунинг учун уқувчи кп маш3 3илиши рамда назарий билимлар билан 3уролланиши керак.

Ёшларга таълим тарбия бериш, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисига каламтасвир фани бўйича портрет тасвирлашда юқори даражали техник билимларни эгаллашдан ташқари, психология соҳасида ҳам етарли маълумотга эга бўлишларини тақоза этади. Ўқувчи таълим ва тарбия борасидаги асосий билимларни психология фанларини чуқур ўзлаштириш натижасида эгаллайди. Ўтказилган тажриба, кузатиш ҳамда хулосалар шунини кўрсатадики, ёш мутахассис ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятида нафақат психологиянинг умумий жиҳатларига эътибор бериш (одам психологияни ўрганиб туғри муомала қилиш, унинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, ўқувчиларга мувофиқ келадиган тарбия усуллариини излаб топиш ҳамда таълим бериш ва бошқалар) балки турли машғулотлар жараёнида хусусан тасвирий фаолиятида ва ёшлар тарбиясида уни амалий қўллаши жоиздир.

Таниқли психолог ва педагог олимлар ижодий тасаввурни тасвирий фаолиятидаги асосий психологик жараёнини ҳисоблаб, ёшлар ижодий қобилиятларини шакллантиришда унинг моҳияти беҳисоб деб таъкидлайдилар. Ёшларнинг тасвирий санъат соҳасидаги ҳамда тасаввурларини шакллантиришнинг назарий ҳамда амалий муаммоларини рус олимларидан Е.И. Игнатъев, В.С. Кузин, Л.Т. Медведев, Н.Н. Ростовцев, Е.В. Шорохов, ўзбек олимларидан Р. Ҳасанов, С. Булатов, Б. Бойметов, А. Сўлайманов, О. Худоёрова, У. Нуртаев, С. Абдирасилов, М.Набиев, Н.Толипов,Ғ. Абдурахманов, Р.Ражабов ва бошқалар ўзларининг назарий ва тажриба тадқиқот ишларида амалга оширганлар.

Илмий манбаларни таҳлил қилиш ҳамда, амалий машғулотларни ўтказиш жараёнида кузатиш натижалари шунини кўрсатадики, ёшларга таълим бериш ва уларни ижодий фаолиятга тайёрлаш кўпгина назарий ҳамда амалий муаммоларни ҳал этишни тақоза этади. Тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда ўқувчиларни портретчи рассомлар ижоди билан таништириш бўйича олиб бориладиган психологик кузатиш натижасида биз қўйидаги хулосаларга келдик.

1. тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда ўқувчиларни портретчи рассомлар ижоди билан таништириш етарли даражада очиб берилмайди.
2. У ёки бу амалий ишларни бажаришда ўқувчиларга физиологнимикаси миқдорлари етарли таҳлил қилинмайди.
3. ўқувчиларни портретчи рассомлар ижоди билан таништириш, унинг методик босқичларида амалий туғри бажариш йўллари ҳар доим ҳам очиб берилмайди. Юқорида баён этилган муаммоларнинг ажойиб ҳал этилиши бўлажак рассом ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлашда муҳим омилдир.

Ҳар бир ўқувчи учун юзни ўқиш санъати билан атрофлича танишиш муҳим аҳамият касб этади.

Физиогномика-юзни ўқиш санъати жуда қадим замонларда вужудга келган. Инсон портретини психологик ҳолатини тасвирлашда юзни ўқиш санъати асосий омил бўлиб хизмат қилади. Эътибор берган бўлсангиз халқ оғзаки ижодида персонажларнинг юз тузилишига алоҳида аҳамият берилади. Масалан, доимо девларнинг кўзи шокосадай, кулоқлари супрадай, ялмоғиз кампирлар қирғийбурн, лаблари осилган бўлади. Донишмандлар кенг пешонали, нуроний чехрали қилиб тасвирланади.

Умуман, фольклор асарларида ижобий қаҳромонларнинг юз бичими ҳамиша ўзаро мутаносибликда – кенг пешонали, текис қошли, чиройли кўзли, тиниқ юзли, хуллас, ҳамма аъзолари уйғунликда бўлгани ҳолда салбий қаҳромонлар тор пешона, супургиқош, чағиркўз, қирғий-бурун, шалпангқулоқ, қийшиқ оғиз, чўтир юз ва ҳақозо тарзда, яъни юздаги аъзоларида албатта бирон нуқсон билан кўрсатилади.

Хўш бунинг боиси нимада? Гап шунингдек кишининг феъл-атвори, ахлоқ-одоби, қолаверса, ички маънавий оламининг қандайлиги юзида бамисоли кўзгудаги каби акс этиб туришига халқ азалдан эътибор берган. Масалан, кўзнинг ўзини олайлик. Бундан яхшилик кутиб бўлмайди, дейишади чағиркўз, биткўз одам ҳақида. «Кўзи нақ тешворгудай-а»! дейишади нигоҳи қаттиқ одам тўғрисида. Ва аксинча, яхши одамлар ҳақида

кўзлари порлаб туради, чакнаб туради, кўзларида сеҳри бор дейилади. Шу боис ҳам гўзал қизлар қош-кўзлари популдеккина деб тасвирланади, ёрнинг кўзлари чаросга қиёсланади. қўйкўз, бўтакўз, оҳу кўз, шаҳло кўз, хумор кўз деган иборалар бор ва ҳақозо.

Ёки лаблари юпка одам захар, аччиғи тез, серзарда бўлади дейилади. Юз терисининг ранги тиниқ қизлар ҳақида «сутга чайиб олгандай» ёхуд «оқи-оқ, қизили- қизилга ажралибди», «юзлари анордай», « юзлари қирмиз» деган таърифлар бор. Эртакларда эса шум кампирлар тўғрисида «юзлари тиришган, худо билан уришган» каби иборалар учрайди.

Шунингдек бодомқовоқ, бадқовоқ деган иборалар ҳам қаҳромонларнинг ички оламини очишда бир чизғи вазифасини ўтайди. Гўзаллар қаламқош, қайрилма қош деб таърифлангани ҳолда баджаҳл кишилар ўсиқ қош, супурги қош ва ҳоказо деб таърифланади.

Буруннинг қандайлиги ҳам кўп нарсадан далолат беради. қадимгилар бурун юзнинг зийнати деб бежиз айтишмаган. Бинобарин, киши чехрасини ҳеч бир аъзо қийшиқ бурунчалик бузиб турмайди ва аксинча, нафис, қирра бурун юзга алоҳида ҳусн бағишлайди.

Яна шуниси борки, хунук юзда чиройли бурунни учратиш қийин. Чиндан ҳам, агар эътибор қилсангиз, хунук юзда ҳатто оҳу кўзлар ё бежирим лаблар учраб қолиши мумкин-у лекин нафис, қирра бурун асло учрамайди:

Хуллас, кишининг ботиний оламини юзда зоҳир этувчи бу хил аломатлар ниҳоятда кўп. Халқимиз инсон юзини кўзгуга қиёслаши ҳам бежиз эмас. «Фалончининг юзидан нур ёғилади» ва ёки аксинча, «пистончининг турқи совуқ» каби ибораларда жон бор. Этнопсихологиядан беҳабар, лекин кишининг ички олами билан ташқи қиёфасидаги узвий алоқадорликни ҳаёт тажрибасида синаб билган халқимиз бу хил иборалари билан ким эзгуликка мойил-у кимдан яхшилик кутиб бўлмаслигини аниқ ифодалай олган.

Юздаги аломатларга қараб кишининг феъл-атвори, ахлоқ-одоби, маънавий олами тўғрисида хулоса чиқариш юзни ўқиш санъати деб аталадики, у жаҳондаги барча халқларда бор. Илмий тилда эса у «

физиогномика» деб аталади. «Физиогномика» юнонча сўз бўлиб, « физио»- табиат (киши табиати, бу ўринда юзи маъносида) ва «гномика»- билиш маъноларини англатади. Яъни, физиогномика-юзни ўрганиш демакдир.

Бошқача айтганда, юзни ўқиш санъати жиддий эътиборга сазовар. Зотан, у ҳам дерматоглифика ёки иридодиагностика сингари киши организмдаги ҳамма аъзолар ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Кўпчиликка яхши маълумки, кафтдаги чизикларга қараб фол очиш яқин-яқинларда ҳам фирибгарликдан бошқа нарса эмас, деб тушуниларди. Эндиликда эса дерматорлифика истиқболли илмий йўналишга айланган. Мутахассислар кафтдаги нақш-чизикларга қараб, организмдаги ирсий касалликларни, ақлий ногиронлик ва ҳақозоларни аниқлашмоқда.

Физиогномикани дерматоглифика ва иридодиагностика каби илмий йўналишлар қаторида тилга олаётганимизнинг боиси юздаги баъзи аломатлар ҳам яширин касалликлар белгиси эканлигидадир.

Ўз ҳолича эса, ҳозирда, физиогномика ўзига хос этнографик аҳамиятга эга бўлиб, муайян халқ, муайян миллат ҳаётининг психологик жиҳатларини, инсон сурати ва сийрати масалаларига доир қарашларини ўрганишда ёрдам беради.

Таассуфки бир халқда бор нарса бошқа халққа ҳам бемалол тўғри келаверади, деб бу хилда жўн фикр юритиш этнографияни анчайин юзаки тушунишга ва оқибатда оддий нарсаларда чалкаш тасаввурлар туғилишига олиб келади.

Дунёда бир халқнинг ўзигагина хос бўлган урф-одат ё тушунчани буткул бошқа халққа нисбатан тўғридан-тўғри қўллайвериш нотўғригина эмас, ҳатто кулгили эканлигини яққол кўрсатиш учун, келинг, мисолларга мурожат қилайлик. Биз, ўзбекларда ҳамсухбатдан кўзни олиб қочавериш айб саналади. « қани, кўзимга қараб гапир-чи! » деган ибора ҳам бор. Кениянинг луо қабиласида эса куёв қайнонанинг кўзига қараши гуноҳи азим ҳисобланади, у гаплашганда ҳатто орқасини ўгириб туришга мажбур. Энди,

Ўзбек куёвлари қайнонаси билан гаплашганда орқасини ўгириб туришини тасаввур қилиб бўладими!

Хитой ва Кореяда «Илонга ўхшайсан-а!» деган гап қиз бола учун энг юксак мактов, чунки уларда илон-донолик, гўзаллик, эпчиллик рамзи. Ҳиндистонда эса сигир муққадас ҳайвон, гўзаллик тимсоли ҳисобланади, унга қиёсланган аёл хурсанд бўлади. Энди бояги ўртоқлар қизларимиз ё аёлларимизга илонга ёки сигирга ўхшайсан-а деб айтиб кўрисин-чи қани!..

Хуллас, этнографик маълумотларни кўр-кўрона қабул қилмаслик, лекин айни вақтда ҳар бир халқнинг урф-одатларини ҳурматломоқ керак. энди бевосита физиогномиканинг ўзига келадиган бўлсак, юзидаги ҳар бир аломат нимадандир дарак бериши мумкинлиги қайси одамни қизиқтирмайди дейсиз.

Хитойдаги тарихий солномалар императорлар, ҳукумдорлар, донишмандлар ҳаётининг тавсифи билан тўлиб кетган. Уларда бу кишиларнинг хатти-ҳаракати ташқи қиёфалари, асосан юзларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғланади. Юздаги ҳар бир белги аниқ нарсани англатади, деб ҳисобланган.

Вақт ўтиши билан хитой физиогномистлари юзни ўқиш санъатини анча юксалтиришди, улар ёзган рисолаалар Шарқнинг хилма-хил мамлакатларига тарқалиб кетди. Бу рисоаларни Японияга ҳам олиб келишган. Гарчи ҳозирги вақтда Японияда физиогномикага ялпи қизиқиш бўлмасада, унинг таъсири тасвирий санъат, ниқоб ишлаб чиқариш, театрда, мулоқотнинг турли соҳаларида сезилиб туради. Хуш, япон физиогномикасининг моҳияти нимадан иборат ўзи?

Одам юзини ўқиш қулай бўлиши учун японлар уни горизонтал чизиқлар билан шартли равишда учта-юқори, ўрта ва қуйи зоналарга бўлишади. Юқори зона бу, асосан пешона қисми бўлиб, кишининг бутун ҳаёт йўлини яққол акс эттиради. Умрнинг 15 дан 30 ёшгача бўлган қисмига, шунингдек, ниҳоятда кексалик даврига оид маълумотлар шу зонадан олинади. Рисоладагидек (шакли тўғри ва терисининг ранги тоза) пешона

кишининг жисмию руҳияти соғломлигидан далолат беради. қошлардан бурун учигача давом этувчи ўрта зона ҳаёт йўлининг 35 дан 50 ёшгача бўлган даврини акс эттиради. Бу зонанинг ҳар жиҳатдан уйғунлиги киши психикаси мувозанатда эканлигини кўрсатади. қуйи зона (юқори лаб, жағ, оғиз, даҳан) киши умрининг 51-57 ёшлардаги, шунингдек, кексалик даври ҳақида маълумот беради. Бу зонанинг шакли тўғри бўлиши босиқлик, вазминлик, яхши феъл-атвордан далолат беради.

Кўриниб турибдики, Японияда юзни ўқиш усули аниқ белгилаб чиқилган аломатларни шарҳлашга асосланган. Бу аломатларнинг ҳар бири эса муайян ёшга оид бўлиб, киши хатти-ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир.

Юзнинг ўқиш бўйича бир қанча мактаб мавжудки, уларнинг ҳар бири ўзининг аломатлар системасини қўллайди, аломатлар сони эса 99 тадан 130 тагача боради.

Қош. Эңли, узун қош эңг ажойиби ҳисобланади. Унинг шакли, ранги қалинлигига кўра мутаносиб ривожланиши кишининг ҳиссиёти, ақли ва феъл-атвори ўзаро уйғунликда эканлигидан далолат беради. Дағал ва бароқ қош эса бунинг аксини кўрсатади. Физиогномистларнинг фикрига кўра, қош кишининг яқин одамлари билан ўзаро муносабатини акс эттиради. Чиройли қош унинг эгаси атрофидагилар билан яхши муносабатда бўлишини кўрсатади.

қалин қошнинг ташқи учлари кўтарилиб туриши олиҳимматлик ва мардлик аломатидир. Бундан одамлар омадли ҳисобланади. қошнинг ташқи учлари пастга қайрилиши тортинчоқликни билдиради. Бундай қошнинг тузилиши ва ранги кўримсиз бўлса, бу – юракдаги жўшқинлик тугагани аломатидир. қош текис ва ўзун, атрофдаги териси тиниқ рангда бўлса, бундай эркак ақиллидир. Шундай аёл эса тантиқ ҳисобланадики, ундан исталган хатти-ҳаракатни кутиш мумкин.

Калта қош ҳамиша бу хусусиятларнинг тескарисини англатади. Бирок калта, лекин қалин қош бирдан ловуллаб кетувчи одамга хос. қалин,

супургиқош «иблисона» феъл-атворли одамда учрайди. Супургиқош доим ўжарлик, саркашлик, муросасизлик аломатидир. Энли, қалин ва пайваста қош уринишни билдиради. Бундай аёллар кучли характерга эга эканлигидан рсоладагидек уй бекаси бўлолмайди.

Кўз азалдан қалб кўзгуси деб таърифланади. Кишининг ички кечинмалри хамиша кўзидан кўриниб туради. Жозибадор ва мафтункор кўз эгаси соғлом, иродали, ақлли, жўшқин, юрагида ўти бор одам бўлади. Физиогномистларнинг фикрига кўра, бундай кўзлар бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, нур ва илиқлик таратиб туради, қовоқлар билан яхши химояланган, рангдор пардаси ифодали, сермаъно. Мабодо шундай бўлмаса, бу - кишининг феъл-атвори ва ақл-идрокида нуқсон борлигини кўрсатади.

Рангдор парданинг йириклиги-юмшоқ муомала ва осойишталик белгиси, кичиклиги эса ички жараёнларнинг ўзаро номувофиқлигидан дарак берадики, бу ўз навбатида шахснинг атрофдаги кишилар билан мулоқатига салбий таъсир кўрсатади.

Кўзларнинг қандай жойлашувида ҳам ўзига хос маъно бор. Иккови битта горизонтал чизикда жойлашуви-яхши аломат. Кўзларнинг пастроқ жойлашуви эркакларда довураклик, қатъийликдан, аёлларда эса енгилтакликдан далолат беради.

Юқори қовоқнинг салқиб туриши-етуклик белгиси, жуда осилиб кетиши эса эркакларда жўшқинлик, ғайрат тугаганини кўрсатади. қовоқнинг ёқимсиз ранги физиологик жараёнлар издан чиққанини кўрсатади. Пастки қовоқнинг салқиб туриши-жўшқин ҳаёт белгиси, осилиб туриши, бошқача айтганда, кўз халтаси майл-хохишлар бетийиқлигидан далолат беради. Устки ва пастки қовоқларнинг шишиб туриши эса – ҳаётдан толиқиш аломати. Кўзларнинг ташқи бурчаги серажинлиги – зийраклик, ақл-заковат белгиси.

Кишиларнинг феъл-атвори ва тақдирини аниқлашда кўзлар асосий ўринда туради. Физиогномикага оид рисоалар юзни ўқишни айнан кўзлардан бошлашни тавсия этишади. Бироқ шуни эътиборда тутиш керакки, энг ишончли маълумотларни 40 ёшдан ошган одамнинг кўзларидангина

олиш мумкин. Зеро, шу даврга келибгина барча белги-аломатлар тўла шаклланган бўлади.

Бурун. Шарқ физиогномистларининг фикрига кўра, бурун ҳам кишининг маънавий ҳаётидаги ўзига хос хусусиятлардан далолат берувчи кўрсаткичдир. Кўзларда бўлганидек, бурун шакли ҳам 40 ёшдан кейин барқарорлашади. Рисоладагидек буруннинг учи юмалоқ, парраклари яққол шаклланган бўлади, деб ҳисобланади. Бурун тешикларининг ҳаддан зиёд катталиги шахсиятдаги нуқсонлардан дарака беради. Бурун рисоладагидек одам шернинг шижоатига эга, яъни жасур, серғайрат, таптортмас бўлади. Бурун чиройли одам атрофдагиларга ёқади. Оқибат ҳам шунга яраша: чиройли бурун эгаси кучли шахсга айланади.

Узун бурун, одатда, яққол кўриниб турувчи шахсият белгисидир. Лекин у турли кўринишда хилма-хил маъноларни англатади. Масалан, кўзлар, оғиз ва даҳан билан уйғун келувчи узун бурун кучли характердан (ва аксинча, қисқа бурун очиккўнгиллик ва некбинликдан) далолат беради. Суякдор узун бурун- такаббурлик, калондимоғлик, шўртумшуклик белгиси. Суякдор, узун ва қирғий бурун эса кўпинча бадқовоқ одамларда учрайди. Агар узун буруннинг қаншари жуда паст, қийшиқ ёки кўндаланг чизиқлари бўлса, бу- касаллик аломати. Лекин юзнинг умумий уйғунлигида касаллик аломати муҳим роль ўйнамайди. Японлар баланд ва текис қаншарни рисоладагидек деб билишади. Бундай қаншар соғлом одамларда бўлади.

О/ИЗ шакли ва ўлчамлари кишидаги ҳаётий кучлар қай даражадалигини аниқлашга имкон беради. Японлар эркаклар оғзи катта, аёлларники эса, аксинча, кичкина бўлишини маъқул кўришади. Оғиз катта аёл мардонавор деб ҳисобланадики, бу эркакларга кўпдан ёқавермайди. Умумий хулосалар қуйидагича. Оғзи тор кишилар тирикчилик пайига тушган бўлади, иродаси заиф. Юпқа лаблар – инжиқлик, серзардалик белгиси. Оғиз катта бўлиб, бурчаклари пастга қайрилган одам кучли иродага эга, унга таъсир кўрсатиш осонмас. Лабларнинг ҳадеганда учиб туриши-асабийлик аломати.

Бурчаклари пастга қайрилган кичкина оғиз таъсирчан кишиларда учрайди. Дўрдоқ лаблар-муваффақият гарови. Оғизнинг қийшаймай, бир текис очилиши хистуйғулар жиловланганини кўрсатади. Агар оғиз бурчакларга кўзлардан ажин тушиб келса, бу-машаққатли ҳаёт белгиси. Мабодо шундай ажинлар оғиз бурчакларига буруннинг икки томонидан тушиб келса, бу – маккорлик аломати. Ўжар, қайсар одамнинг оғзи одатда бир томонга қийшайиб туради. Юқори лабнинг олдинга чиқиб туриши - катъиятсизликдан, пастки лабнинг чиқиб туриши эса-худбинликдан далолат беради. Лаблар устидаги ажинлар-қарши аломати. Бу ажинларнинг ингичкалиги, кўпинча, саломатлик заифлигини кўрсатади. Лабдаги чуқур ажинлар эса гуллаган ёшликдан ва етукликдаги муҳтожликлардан далолат беради. Чириган тиш ҳамда касалланган тил саломатлик ёмонлигини кўрсатади.

кулоқ бошда қандай жойлашгани ҳам кўп нарсани англатади. кулоқнинг юқори учи қошдан баланд бўлиши юксак ақл-заковоти кўрсатади; кўз билан бир чизикда жойлашуви – ақл-идрок ўртачадан юқорилигини; кўздан паст бўлиши ақли идрок ўртача ёки ундан пастлигини билдиради. кулоқнинг солинчаги яхши шаклланмагани рухиятдаги номувофиқликлардан дарак беради. Солинчакнинг узунлиги-беғамлик, яққол сезилмаслиги-нозик табиат, инжиқлик белгиси. Солинчаги жуда катта одамлар Шарқда донишманд саналади. Агар у сал олдинга чиқиб турса, бу – самимийлик аломати.

Юз асосан ана шу беш аъзога қараб ўқилади. Лекин бу фақат асосий босқич, холос. Юз ҳақида умумий таассурот босқич, ҳосил қилиш учун яна ёнғоқ суяклари, жағ ва даҳан шаклининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади. Чунончи, қош бўртмаси баланд бўлиб, юқори жойлашса-кучли ирода, паст жойласа-кучсиз ирода белгиси. Умуман, суякдорлик ва йирик даҳан кучли характердан дарак беради. Бироқ бу белги-аломатлар ёш ўтганидан кейингина яққол кўринади.

Осилиб турувчи жағ руҳиятда хилма-хил бузилишлар борлигини кўрсатади. Яхши шаклланмаган даҳан-мулойимлик белгиси. Унинг сезилар-сезилмас даражада иккига бўлиниши эҳтирос кучлигидан дарак беради. Лекин иккига бўлиниши яққол кўриниб турса, бу-танҳоликка интилиш белгисидир. Бесўнақай даҳан-бетизгин майл-хоҳишлар аломати, кўпинча хаддан зиёд манмамликдан далолат беради.

ЮЗ ШАКЛЛАРИ. Узунчоқ юз тўғри тўртбурчак шаклда бўлади, яъни пешона кенглиги қарийб даҳан кенглигига тўғри келади. Бу, аслзодаларга хос юз, деб билинади. Япон физиогномистларнинг тасдиқлашича, Япония ҳукмдорларидан аксариятининг юзи мана шундай шаклда бўлган экан. Узунчоқ юз ақл-заковат, таъсирчанлик, вазминликдан далолат беради. Аксари ҳолларда бундай юз омилкор, мулоҳазали одамларда учрайди. Айтишларича, бундай кишиларда ташкилотчилик қобилияти, мақсадга интилувчанлик кучли бўлади.

Учбурчак юз учун баланд ва кенг пешона, туртиб чиққан ёнғоқлар, кичкина, лекин суякдор бурун, чуқур жойлашган кўзлар, кичкина, лекин олдинга чиққан даҳан хосдир. Бундай юзнинг лунжида эт кам бўлади. Учбурчак юзли кишилар (эркаклар ва аёллар) ниҳоятда серҳиссиёт, таъсирчан, деб ҳисобланади. Бундай шаклдаги юз Японияда юксак истеъдод белгиси, деб билинади. Лекин айна вақтда японлар учбурчак юзли кишининг феъл-атворида айёрлик, бошқалар билан чиқиша олмаслик каби хусусиятлар ҳам бўлишини таъкидлашади. Физиогномистларнинг фикрича, бундай кишилар фидокорлик, садоқат каби туйғуларга бегона. Яна айтишларича жосуслар ва хоинлар орасида учбурчак юзли кишилар жуда кўп учрар экан.

Квадрат шаклли юз одатда баджаҳл, мард, кўпинча қаҳри қаттиқ кишиларга хос. Улар одатда калтафаҳм, кўпинча кўпол, кескин бўлишади. қатъиятлик бундай кишиларнинг феъл-атворида яққол кўриниб турувчи хусусиятдир. Бошқалар билан дангалига, рўйирост муомала қилишади. Квадрат юзли кишилар муваффақиятга эришишга ниҳоятда ўч. Гарчи

ўзлари зўр бериб етакчиликка интилишса ҳам, улардан яхши ижрочилар чиқади. Шундай юзли аёллар эса ҳукумронликка интилади.

Юмолоқ шаклли юз Японияда очик кўнгиллик, мулойимлик, тинчликсеварлик рамзи деб ҳисобланади. Шундай юзли кишилар кўпинча ширин овқатлар шинавандаси бўлади. Маиший қулайликларни, дилкаш давраларни яхши кўришади, шон шуҳратга интилишмайди. Лекин айти вақтда бундай одамларга иззатталаблик ҳисси ҳам ёт эмас. юмолоқ юзли одам, ёнғоқлари туртиб чиққан, кўзлари чақанаб турган бўлса-мақсадга интилувчандир. Физиогномистларнинг фикрича, бундай кишилардан ажойиб етакчилар ва саркардалар етишиб чиқади.

Японларнинг юзида бир ниқоб бор десак, кулгу унинг ортига яширинган феъл-атвор хусусиятларини кўришга имкон яратади. Имо-ишора кишиларнинг муаян кечинмаларидан огоҳ қилади, уларнинг характериға доир қўшимча маълумотлар беради. Гавда ҳолати эса, аксари ҳолларда киши руҳиятининг ўта яширин хусусиятларини кўрсатади.

Бироқ бу белги-аломатларнинг барини тушуна олиш, тўғри талқин эта билиш, япон физиогномистларининг фикрича, у қадар осон иш эмас. японияда санъатнинг бошқа барча турлари қаторида юзни ўқиш санъати ҳам тиришқоқлик ва сабр-тоқат билан, ўзоқ вақт давомида ўрганилади.

1.2. Портретчи рассомлар ижоди билан таништиришнинг тарбиявий аҳамияти

Маълумки, тасвирий санъат ижтимоий онгнинг шакли сифатида атроф муҳитни кенг ва атрофлича ўрганиш натижасида, аниқ фанлар каби, табиатни илмий жиҳатдан таҳлил этиш орқали ривожланади. шунинг учун ўқувчи табиатни қанчалик кўп севса ва кузатиб ўрганса, у шунчалик тасвирлаш соҳасида юксак натижаларга эришиш мумкин.

Уйғониш даврининг буюк рассомлари табиатни илмий таҳлил қилиб, уни асосли ўрганганлар ва ўз асарларида ишонарли тасвирланганлар. Жумладан, Леонардо да Винчи, Альберти ва Дюрерлар инсон танаси аъзоларининг ҳар бир бўлгани математик жиҳатдан аниқ ўлчамларда ўрганиб ўз тасвирларида амалий қўллаганлар. Инсон қомати ёки портретини тасвирлашдан олдин унинг тузилиш хусусиятларини худди анатом-тадқиқодчидек асосли ўрганганлар ва ўзларининг бутун жаҳонга машҳур санъат асарларини яратганлар. Буюмларни тасвирлаш ҳам бошқа аниқ фанлар каби фикрлаб, чизилаётган нарсани чуқур таҳлил этиб, уни сўз орқали эмас, турли тасвирлаш воситалари билан, образли қилиб яратишни тақозо этади.

П.П. Чистяков айтганидек «Тасвирлаш фикрлаш демакдир».

Сўз-тасвирланётган буюмни таҳлил қилиб тўғри бажаришда энг асосий воситалардан биридир. У чизувчида фикр юритиб тасвирлаш «одати» ни шакллантиради.

Қадимги юнон мусаввирлари инсон қоматини тасвирлаш натижасида, ҳамда уни илмий таҳлил этиб шундай хулосага келганлар-инсон қомати табиатнинг энг мураккаб ва олий маҳсулидир.

Бир қарашда бир-бири билан қарама-қарши бўлиб туюлган тавирий санъат ва илм-фан амалиётда бири иккинчисини тўлдириб шакллантиради. Онг ва сезги. Идрок ва ҳиссиёт доимо яқин алоқададир.

Демак, ўқувчи ўқув вазифасини тўғри бажариши учун биринчи навбатда тасвирий санъатда қўлланилиши лозим бўлган турли қонун ва қоидаларга амал қилиш керак. ушбу қонун қоидалар орқали у ўқув қаламтасвири бажаришда тасвирдаги биринчи даражали буюмларни бўрттириб кўрсатиши, бош шаклининг характерли хусусиятларини аниқ тасвирлаши ва иккинчи даражали буюмларни эса, умумий оддий кўзга унча ташланмайдиган қилиб бажариши лозим.

Тасвирий санъат, борлиқдаги воқеа ва ҳодислар ҳамда буюмларнинг нафақат ташқи шаклини бажаришни, балки ушбу нарсa ва буюмларни ички дунёсини, табиатдаги ҳодисаларни чуқур таҳлил этишни тақозо этади.

Буюк француз меъмори Ле Короюзьс шундай деган эди: «Тасвирлаш жараёнида, буюмларни қандай дунёга келишини, уларнинг қандай ривожланишини, ўсишини, гуллаб-яшнашини кўрасан. Бу борлиқни кузатиш орқали. Аввало «ички» дунёсини, сўнгра «ташқарисини» ўрганиш натижасида амалга оширилади... Буюмни ҳақиқий гўзаллигини аввало ташқарисига эътибор бериб, сўнгра чизиш давомида уни синчиклаб кузатиш, идрок этиш орқали, тўғрироғи унинг юрагига йўл топишгача борамиз. Тасвирлаш-бу кузатиш, яратиш, ихтиро қилиш демакдир»

Тасвирланаётган бош шакли қанчалик мураккаб бўлса чизувчи уни шунчалик кўп ўрганиши ва таҳлил этиши жоиздир. қаламтасвир ишлашда илмий ёндошиш, айниқса буюмни чизиқли конструктив тузилиши ва перспектив ҳолатини аниқлашда катта аҳамият касб этади.

Бу борада бир неча етук шогирдларни мустақил рассом бўлишида катта ҳисса қўшган рус рассоми ва мураббийи П.П. Чистяков шундай деган эди: «Аввало чизилаётган буюмни синчиклаб кузатиш зарур, сўнгра уни рассом ўзига бўйсундириш керак». Рассом қандай етукликка эришмасин, у нарсани ўзига қараб тасвирлашдан воз кечмаслиги лозим.

Юқорида баён этилганидек, Уйғониш даври рассомлари ўзларининг махур санъат асарларида санаб ўтилган фанларни кенг қўллаганлар. Буюмларни ҳаққоний тасвирлаш негизида ушбу аниқ фанларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бирон бир машҳур санъат асари, йўқки, унда перспектива қонуниятларига амал қилинмаган бўлсин. Ўзига караб чизилган суратни рассом қандай ҳолатда (рўпарадан, ёнидан, ўтириб, ёки тик туриб) бажарганини аниқ айтиб бериш мумкин.

Ўтмишда яшаб ижод этган ҳамда ҳозирги замонавий рассомлар перспективани биринчи ўринга қўядилар. Бизнинг фазовий тасаввуримиз перспектива қонунига тўла амал қилишни талаб этади.

Машҳур тасвирий санъат устозларининг бадиий ижодлари шунинг кўрсатадики, табиатда борликни ҳаққоний тасвирлаш учун, тасвирий санъатдаги мавжуд қонун-қоидаларга риоя қилиш муҳимдир. Леонардо да Винчи ўзининг «Рангтасвир қонуниятлари» номли асарида жумладан шундай деган эди: «Ўқувчи аввалам бор перспектива қонунларини пухта билиши лозим; кейин-нарсанинг ўлчамларини ўзлаштириши керак...»¹

Буюмларни конструктив тузилишларини ҳамда уларнинг турли вазиятлардаги перспектив қисқаришларини тўғри тасвирлаш ўқувчилардан тинмай амалаий машқлар бажаришни талаб этади. Машҳур рассом-мураббийлар ўзларининг ижодий фаолиятлари билан бир қаторда кўплаб махсус методик йўлланмалар ишлаб чиққанлар. Жумладан XIX асрнинг биринчи ярмида ижод этган рус педагогларидан А.П. Сапожников буюмларни тасвирлашда «синч» (каркас) усулини жорий этади. Гипсдан ишланган геометрик шаклларни тасвирлашда, у, маълум шаклнинг ёнига шу шаклнинг симдан ишланган нусҳасини қўйиб ёш рассомларга чизиқли конструктив тузилиш, перспектива қонун-қоидаларини осонликча ўрганишларида ёрдам берган.

Инсон портрети ёки танасини тасвирлашда ўқувчи дастлабки синфларда, геометрик шаклларни чизиш даврида олган билим ва малакаларига асосланиши муҳимдир. Чунки, табиатдаги барча нарсаларнинг

асосида геомтерик шакллар ётади. Геомтерик шакл-текисликлар асосида тасвир бажариш, жумладан инсон қоматини чизиш ва конструктив таҳлил қилишга уйғониш даври рангтасвир, қаламтасвир устаси ва ҳайкалтароши Альбрехт Дюрер асос солган. Буюк немис rassomi А. Дюрер тасвирий санъатни ўқитиш методикаси борасида кўплаб илмий-амалий кўрсатмалар қолдирган. Ижодий фаолиятда у нафақат ҳис туйғу ва кузатишларга, балки аниқ илмий билимларга асосланишини олдинга қўяди

Уйғониш даври rassomlari ўзларининг илмий кузатишларини тасвирий амалиётга кенг тадбиқ этганлар. Улар анатомия, перспектива. Ёруғ ва соя қонунлари борасида кўплаб билимга эга бўлганлар ва ўзларининг буюк асарларини яратиб, уйғониш даври санъатини юқори чўққиларга олиб чиққанлар.

Портрет қаламтасвирини ишлашда пластик анатомия қонуниятларига эътибор алоҳида ўрин тутди. Бунда бош мускуллари асосан юз соҳасида жойлашган бўлиб уларни бир-биридан мускуллар кескин ажралиб турадиган иккита гурпага бўлиш мумкин:

1) пастки жағни ҳаракатлантирадиган яъни осон чайнаш актида иштирок этадиган мускуллар- буларни чайнов мускуллари деб атаса бўлади ва 2) рухий кечинмалар ёки бошқа бирор хил таасуротлар натижасида юз ифодасини ўзгартирадиган мускуллар - буларни мимика мускуллари деб аташ мумкин.

Чайнов мускуллари гавда қўл-оёқлар склетидаги мускулларни ўрганишда бизга дуч келган оддий мускуллар тузилишига эга. Уларнинг қисқарганда кўринарли рельеф берадиган бир қадар хажмли гўштдор қисми бўлади. Чайнов мускуллари пастки жағнинг чайнов ҳаракатларида иштирок этиш билан чекланиб қолмайди. Улар нутқ вақтида оғизни гох кичикроқ гох каттароқ очиб ва юмиб сўзларни талаффуз этишда ҳам иштирок этади: бундан ташқари улар мимика ҳаракатларида ҳам қисман иштирок этади.

Мимика мускуллари тамомила бошқача хилдаги мускуллардир. Улар тери мускуллари яъни скелетнинг айрим қисмларини эмас балки терини

харакатлантирадиган мускуллардир. Шу муносабат билан улар скилет мускулларига қараганда кўп даражада кучсиз мускул қисми жуда юпқа бўлади ва сезиларли релъеф бермайди. Улар юз терисида ёки тери билан суяклар орасида жойлашган бўлади.

Мимика мускуллари юздаги табиий тешиклар атрофида: кўзлар оғиз ва бурун атрофида жойлашгандир. Уларнинг баъзилари ўша тешиклар торайиб юмадиган бўлса бошқалари аксинча уларни кенгайтиради. Айни вақтда одам юзининг терисида мускуллар таъсирига мос келадиган ҳар хил бурмалар ҳосил бўлади. Тери нечоғлиқ эластик бўлса мускулларнинг таъсири тугагандан кейин бояги бурмалар шунчалик тез билинмай кетади. Одам кексайиб қолганида тери эластиклигининг йўқолиши шунга олиб келадиги бурмаланиб туриш одат тусига кириб мускуллар таъсири тўхтагандан кейин ҳам бурма терида қолаверади.

Одамнинг табиати ва олган тарбиясига ҳамда атрофдаги шарт-шароитларга қараб мимика мускуллари ё рефлекс ёки босикрок реакция кўрсатади: одам хис туйғуларини яшириб мутлақо реакция кўрсатмаслиги ҳам мумкин. Мимика мускуллари ихтиёрий импульсларга бўйсунди ва одамнинг юзига айни вақтда унинг бошидан кечириётган эмоцияларга мутлақо мос келмайдиган ифода бериши ва шу билан ҳақиқий аҳволни яширишга ёрдам беради

Мимика мускуллари инсоннинг ички ҳаёти ва ташқи таасуротларга кўрсатадиган реакциясини ифодаловчи тузилмалар бўлиб ҳисобланади ва шу билан бирга зарур бўлганда аксинча одамга ўзининг ички ҳолатини яширишга ёрдам беради. Бу мускуллар ё терига қисман бириккан бўлиб тери остида ётади ёки бир учи билан терига бирикади- иккинчи учи билан кўзгалмас асосдан аксари суякдан бошланади. Бундай ҳолларда мускул қисқарар экан ўзининг терига ёпишган жойини суякка қараб тортади ва шундай қилиб терида бурмалар ҳосил бўлади.

Бунинг энг яхши усули кўзгуга қараб туриб ўз юзининг ҳаракатларини ўрганишдир. Натурачи ундан нима талаб қилинаётганини яхши

тушунавермайди шунга кўра одам адашиши мумкин. Одамнинг ўз юзига қараб ишлаши эса бирмунча вақт машқ қилганидан кейин жуда яхши натижа беради.

Аввал тасвирга мос келадиган қилиб айрим мускуллар тарангланади ва ўша мускуллар юзнинг айрим қисмларида келтириб чиқарадиган ўзгаришлар расмга туширилади. Шундай қилиб ҳар бир мускул иши ўрганиб чиқилади. Ана шундан кейин эса юзнинг турли қисмларидаги мускулларнинг биргалашиб ишлаши ўрганилади- ҳаммаси яхлит қилиб ўрганиб чиқилади- харфлардан сўзлар тузилади. Натурага қараб ишлаб бўлгандан кейин расмни миядан чиқариб ёдакисига чизиб кўриш фойдалидир. Дуруст айрим мускулларнинг ишлашини ўрганишда мускуллар ишининг натижалари соддалаштирилган ҳолда тасвирловчи график схемалардан фойдаланиш ўринлидир. Лекин бу схемалар иш ўрганиш вақтида ҳажмий тасвирларнинг ўрнини боса олмайди.

Пешана мускули пешана териси остида ўз жуфти билан ёнма-ён бўлиб тик ётади. Юқорида деярли кўзғалмайдиган калла суяги апоневрозидан бошланади. Калла суяги апоневрози— бош шаклида бўладиган пайдан иборат пластинка — юқоридан бошни ўраб, орқада энса мускулларига, икки ён томонда кўлоқ мускулларига, олдинги томондан пешона мускулларига айланиб кетадиган «пай дубилгадир». Пешана мускули пастда қош терисига .Пешана мускуллари сал қисқарган, қошлар андак юқори кўтарилган, пешанада майда ажинлар юзага келган кўзлар одатдагидан кўра сал каттароқ очилган бўлади, қовоқларнинг юқори четлари кўз қорачиқларнинг четлари билан рангдор пардаларининг четлари орасида ётади. Кўзлар каттароқ очилганлиги сабабли улар бирмунча ялтираб тургандек бўлиб кўринади, бу ҳаракат тез бўлиб ўтганда турмушда: «кўзлари йилтиллаб кетди» деб айтишади. Кишининг юзи диққат қилинаётган ифодага киради. Масалан: В. Г. Перовнинг «қуш овчиси»,И. Е. Репиннинг «Кутишмаган эди»асаридаги кириб келаётган кишининг юзи.

Пешана мускули кўпроқ қисқарган, қошлар юқорирок кўтарилган, пешанадаги ажинлар кескинроқ. билиниб туради, кўзлар каттарок очилган, юқори ковоқ чети рангдор парда четида туради. Одамнинг юзида хайратланиш ифодаси бор (И. Е. Репин. «Кутишмаган эди» — боланинг юзи)

Вахима, дахшат, қўрқув ифодаси: Пешана мускули жуда кучли қисқарган, қошлар баланд кўтарилган, пешана эса бошдан оёқ тиришиб, ажин бўлиб кетган. Кўзлар жуда катта очилган, буни турмушда: «чақчайиб турибди» дсб айтишади, юқори ковоқ рангдор парда четидан кўтарилган, шунинг натижасида рангдор парда юқори томонда оқ парда билан ўралиб туради. Энг сўнгги ниятсизга етказиб борилган бу турқ юзга хаддан ташқари зўр дахшат ифодасини беради (И.Е.Репин, «Иван Грозный билан ўғли»—Иваннинг юзи. Кескинлик унча кучли бўлмаса, юзда вахима ифодаси пайдо бўлади.

Пирамидасимон мускул (такаббурлар мускули). Иккала қош ўртасида ўз жуфти билан ёнма-ён ётади. Пастда бу мускул бурун суягига юқорида қошнинг ички учигаги териға бирикади.

Ўнг ва чап мускул одатда бир йўла ишлаб, иккала қош ўртасидаги терини пастга тортади ва асосан тик бурмалар ҳосил қилиб, қошларнинг ички учларини пастга қаратиб, бир-бирига яқинлаштиради-қошларнинг ички учларини пастга туширади. Одамнинг юзига ғазаб, дўқ қилиш ифодасини беради (В. И. Суриков. «Меньшиков Березовода»—Меньшиков юзи). Пирамидасимон мускул баъзан пешана мускулининг антогонисти бўлади ва бу мускулга қарама-қарши ўлароқ пешана терисини пастга туширади. Бу мускулларнинг ўзаро таъсири бир томондаги диққат мускули таранг тортганда, қош юқори кўтарилиб, пешанада ажинлар ва бурмалар пайдо бўлади, иккинчи томонда қош, аксинча, пирамидасимон мускул иши туфайли пастга қараб тортилади—одамнинг юзи билан нафрат билан, такаббурлик билан диққат қилиш ифодасига киради В. В. Пукирев. «Тенгсиз никоҳ»—куёвнинг юзи).

Қошларни чимирувчи мускул (оғриқ мускули). Иккала мускул катордан бошланиб, ўнг ва чап томонда қошлар териси остида боради ва қошларнинг ўртасидаги терига бирикади,

Бу мускул ишининг энг характерли томони қошларнинг ички четларини кўтаришдир. Бу мускул қошларнинг ички четларини паст туширадиган пирамидасимон мускулдан шу билан кескин фарқ қилади. Мускул оғир хотираларни (И.. Е. Репин. «Кутишмаган эди»-қиз боланинг боши), қайғу ёки ғамни оғриқ, аламни ифода этади.

Кўзнинг доиравий мускули кўз косаларининг олдинги томонида, унинг суяк четларида, кўз атрофлари ва ковокларда жойлашган. Иккита қисмдан: кўз ковоғига ва кўз косасига алоқадор қисмлардан ташкил топган.

Мускулнинг кўз ковоғига алоқадор қисми ковокларда ётади, жуда ингичка бўлади. Унинг толалари кавариқ томони юқори ковокдан юқори томонга ва пастки ковокда паст томонга қараб турадиган концентрик ёйлар холида йўналган.

Мускулнинг кўз косасига алоқадор қисми кўз ковоғига тегишли қисмининг атрофида ётади. У ҳам концентрик мускул толаларидан ташкил топгандир, бу толалар кўз косасининг ички бурчагида бошланиб, мускулнинг кўз ковоғига алоқадор қисмини ўрайди ва қаерда бошланган бўлса, ўша жойга бирикади.

Кўз косасига алоқадор қисмининг устки ярми кўп зўр бермасдан туриб, алоҳида қисқариши мумкин. Унинг қисқариши қошларни тўғрилаб кўзлар устига сал туширади ва одамнинг юзига жуда хаёлга чўмган, фикрга толган киши ифодасини беради. Мускулнинг бу қисми хаёл суриш мускули дейилади (буни такаббурлар мускули пайдо қиладиган ифода билан адаштириш ярамайди). Бу мускул қарама-қарши йуналишда одам қошига таъсир кўрсатиб, бир вақтнинг ўзида пешана мускулининг антогонисти бўлиб ҳизмат қилади, пешана терисини тортиб, ажинларни текислайди ва чуқур хаёл суриш учун керак буладиган хотиржамлик кўринишини беради. Бу мускул бамайлихотир хаёл суриб турилган пайтда ихтиёрдан ташқари қисқаради; унинг қандай ишлашини атрофдаги одамларда ёки санъат асарларида кўриш

мумкин. Киши кўзгу олдида ўз юзида машқ қилиб ишлаб турган пайтида унинг ихтиёри билан қисқартирмоқчи бўлиб уринганида эса одатда бу мускул қисқармасдан, балки такаббурлар мускули қисқарадики, бу албатта, ўринли эмас (В. И. Суриков. «Меньшиков Березовода»—ўғлининг юзи).

Кўлги,яъни катта ёноқ мускули: Бу ёноқ суягидан бошланиб,пастга ва ичкарига қараб боради ва бурун-лаб бурмаси (иккала томонда бурун қанотларидан оғиз бурчакларига қараб борадиган тери бурмаси, одам кулиб турганида ва йиғлаётганида айниқса сезиладиган бўлади)нинг пастки чети орқали ўтиб, оғиз бурчагига бирикади.

Кўзатилаётган ходиса кулгидан ташқари хайратланиш ёки ажабланиш хисларини ҳам уйғотадигаи бўлса, у вақтда қошлар билан юқори қовоқлар янада юқорироқ кўтарилади, холбуки пастки қовоқ кўзларни бояги-боягидек пастдан сал бекитиб туради. Илжайиш ва кулиш вақтида оғиз сал ёки хатто катта очилади, шу сабабдан тишлар кўринадиган бўлиб қолади (И. Е. Репин. «Занорожьеликлар»).

Юқори лабнинг квадрат мускули - йиғи мускули. Кўз косасининг пастки чеккасидан бошланади, толалари бурун-лаб бурмаси орқали пастки томон боради ва юқори лабнинг ўртасига туташиб кетади; ички толаларининг бир қисми бурун қанотига туташиб кетади.

Мускул куч билан қисқарганида (йиғи вақтида) юқори лаб юқорироқ кўтарилади ва бурун-лаб бурмаси анча юқorigа тортилиб кетади, унинг устки учи эса пастга, бурун томонига қараб бўкилади. Бурун қаноти юқorigа томон тортилади, бурун тешиги кўпроқ кенгаяди; кўзнинг ички бурчагидан ташқи томонга борадиган ажинлар пайдо булиб, улардан ёш томчилари думалаб тушади (С. Л. Коровин. «Тиичлик» марказдаги киши). Ички тутамларнинг айрим ҳолда қисқариши одам сал-пал хидлаб кўрганида бурун тешикларининг озгина керилишига сабаб бўлади; бу иш доимий эмас.

Бурун мускуллари. Буруннинг қиррасида эгарга ўхшаб ётадиган умумий пайи бор. Бу мускуллар иккала томондан пастга тушиб келади ва бурун ён юзасининг терисига туташиб кетади

Мускуллар бир томонлама қисқариши ҳам мумкин. қўланса хид димокқа ўрганида ва ҳар қандай кўнгилсиз ҳиссиётлар пайдо бўлганида: хунук воқеа кўзга ташланганида, қулоққа ёқмайдиган овоз эшитилганида, каттиқ совуқда, одамнинг бирор жойи куйиб қолганида ва бошқа ҳоллар-да шундай бўлади, бундан ташқари мускулнинг бир томонлама қисқариши айниқса бошқа мускуллар қошни чимирувчи пирамидасимон мускул ва жирканиш мускулнинг иши билан бир қўшилганида, хаддан ташқари норозиликни ифода қилади

Оғизнинг доиравий мускули. Тоқ мускул бўлиб, оғиз тешиги атрофидаги терида концентрик толалар кўринишида ётади. Икки қисмдан-ички ва ташқи қисмлардан иборат. Икки қисми оғзини ўраб туради ва лабларнинг пушти жияги тагида ҳамда унга ёнма-ён бўлиб ётади; ташқи қисми ички қисмини ўраб, туради.

Пастки лабнинг квадрат мускули — жирканиш мускули. Энгакнинг ён юзасидан (бундан олдинги мускулданичкари томонда) бошланади, юқорига кутарилиб боради ва пастки лабга туташиб кетади.

Пастки лабни қуйи тортиб, ташқарига ағдаради ва кишининг юзига жирканиш ифодасини беради. Бунда ўнг ва чап томондаги мускуллар пастки лабни ҳар томонга тортиб. уни чўзади.

Энгак мускули. Олдинги тишларнинг асосида пастки жағнинг олдинги юзасидан ўз жуфти билан ёнма-ён бошланиб, пастга томон тушиб боради ва энгак терисига туташиб кетади.

Ўнг ва чап томондаги мускуллар баравар қисқарганида энгак терисини шу теридаги ёғ бўлаги билан бирга юқорига қараб тортади (бояги ёғ бўлаги энгак-лаб эгатчаси билап пастки лабнинг ажралиб турадигани бўлади). Айни вақтда пастки лабнинг квадрат мускули ишламай турган бўлса, энгак мускули пастки лабни юқорига кўтаради.

Пастки лабнинг юқорига кўтарилиши юзга такаббурлик, кеккайиш ифодасини бсради; агар бунда оғиз бурчаклари нафратланиш мускулларининг иши туфайли паст тушиб турган бўлса, такаббурлик ифодаси зўраяди.

Асосан Оғиз доиравий мускулининг тарангланиши туфайли юзага келади, деб юқорида айтиб ўтилган «лабларни қисиш» ҳаракати бурун тўсиғини паст туширувчи мускул қисқариб, юқори лабни куч билан пастга тортиши ва пастки лабни юқори лаб қаршисига қараб зўр бериб кўтарувчи энгак мускули қисқариши натижасида зўрайиб, охирги нуқтасигача етиши мумкин. Бу ҳолларда Оғиз соҳаси одамнинг ўзини тутиб туриши, ғазаб, оғриқ ваҳима ва бошқалар сингари рухий туғёнларни босиши зарурлигидан келиб чиқадиган жуда қаттиқ, кескинликни ифода қилади.

Овқатланиш вақтида овқат одамнинг лунжи билан тишлар орасига тушганида бу мускул таранглашиб, овқатни тишларга қўйиб беради. Лунжлар шишириладиган бўлса, бу мускуллар олдин чўзилади, кейин эса таранг тортиб, оғиздан Ҳавони итариб чиқаради (бу мускулнинг «карнайчилар мускули» деган иккинчи номи шундан олинган). Улар тонус ҳолида турган бўлса, оғиз бурчакларини ҳар бири ўз томонига сал тортиб туради. Бир томондаги мускул қисқарганида, у оғизни ўз томонига қаттиқ тортиб, қийшайтириб қуйиши мумкин.

Асл чайнов мускули ёноқ равоғидан бошланиб, пастга ва бир оз орқага томон боради ва пастки жағ бурчагига бирикади.

Пастки жағни кўтариб; устки жағга тақайди ва оғизни юмади. Одам тинчгина турганида чайнов мускулларининг тонуси туфайли оғиз одатда юмик бўлади-бунда мускуллар таранглашмай туради ва уларнинг рельефи кам сезилади. Одам чайнаётган пайтида ҳамда «жағини қисиб», оғизни юмиб турганида, чайнов мускуллари таранглашган пайтда уларнинг рельефи сезиладиган бўлиб қолади. Бу мускул кучли жисмоний иш-ҳаракат вақтида, шунингдек, сабр-тоқат кўрсатиш керак бўлган жойларда: жисмоний оғриқда,

катта кўнгилсизлик ёки бахтсизликка бардош бериш керак бўлган пайтларда ҳам-таранг тортади. Чайнов мускуллари одам ғазабланганида, зарба бериш ёки жанжаллашишга тайёрланаётган вақтда ҳам таранг тортади ва бу кишининг юзида тахдид солиш, нафратланиш ёки жирканнш мускулларининг таранглашуви билан биргаликда намоён бўлади. Шундай қилиб, чайнов мускули мимика мускули ҳамдир. У одамнинг юзига қатъият, тахдид солиш ифодасини беради.

Чакка мускули. Чакка чуқурчасида ётади ва шу чуқурчадан бошланади. Бу мускул елпуғичсимон — юқори томони сербар бўлиб, пастки томони ингичка пайга айланиб боради, бу пай калла девори билан ёноқ равоғи орасидан ўтади ва пастки жағнинг тожсимои ўсимтасига бирикади.

Чайнов мускули билан бир хил. Кам рельефли. Одам озиб қолганида мускул бирмунча ясси бўлиб қолади ва чакка чизиги билан ёноқ, равоғи у билан бирга контраст жихатидан рельефлироқ бўлиб чиқади, натижада чакка чуқурчаси сезиларли бўлиб қолади («чаккалари ич-ичига кириб кетган» иборасига яраша), бунда чакка мускули мимик ахамият касб этади.

Инсон юзининг мимикаси, имо-ишораси хилма-хилдир, шу муносабат билан бир қанча имо-ишорани қолип қилиб олиш ва заруриятга қараб шулардан фойдаланиб бориш бемаънидир,- бу тасвирнинг жонсиз, қолипли бўлиб чиқишига олиб келади. аксинча, мимика мускулларнинг қандай ишлашини билиб олиш ва уларни ҳар хил комбинацияларда ифодадай олиш тасвирни жонлантиради ва хилма-хил қилиб чиқаради. Бироқ, расмда назарий билимларни ўзлаштириб олиш учун каттакон амалий иш керак бўлади (бу энди пластик анатомия синфи доираларидан четга чиқади).

Кўзгу билан ишлашдап ташқари, реалистик йуналишдаги сураткаш, график, хайкалтарош усталарнинг асарларида тасвирланган кишилар юзининг ифодасини анатомик жихатдан оғзаки тахлил қилиб чиқинг. Уларнинг расмини шунчаки нусха кўчирмасдан, балки мимика механизмининг ишлашини тушуниб олишни ўйлаб туриб чизиб кўринг.

Юз мускулларининг биргалашиб ишлашини яққол қилиб кўрсатиб бериш учун юқорида келтириб ўтилган, бир нечта асарни муҳокама қилиб чиқиш ўринлидир.

Репиннинг «Кутишмаганди» картинасидаги ўғил боланинг юзида унга руй-рост хайратланиш ифодасини берувчи диққат мускулидан ташқари шодон табассум пайдо қиладиган кулги мускули ҳам сал қисқарган. Ана шунинг учун ўша боланинг юзида шодликдан хайратланиш ифодаси кўриниб турибди.

Иван Грозний юзида пешана мускулининг охиригача таранглашувидан ташқари оғриқ мускули билан йирик мускули ҳам таранглашган, бу - фақат дахшат ифодасинигина эмас, балки аламли дарду хасрат ифодасини ҳам беради.

Меньшиков юзида тахдид мускулидан ташқари нафратланиш, чайнаш мускуллари ва оғизнинг доиравий мускули таранг тортиб турибди. Юзда мураккаб ифодалари тахдид, ўз-ўзига, ўзининг тубанлигига нафрат ва ўз-ўзини тутиш, тийиб туриш зарурлигини англаш ифодалари борки, қаттиқ қисилган жағлар, яъни чайнов мускулларининг иши ва қимтиб турилган лаблар, яъни оғиз доиравий мускулининг иши ана шуни кўрсатади. Тўртта мускулнинг таранглашуви одамнинг юзига чуқур ички кечинмалардан гувоҳлик берувчи ифоди беради.

Кўрув органи кўрув нервлари билан биргаликда кўз косасида ётадиган кўз олмасидан, уни олдинги томондан ҳимоя қилиб турадиган кўз қовоқларидан кўз олмасини ҳаракатга келтирадиган кўз мускуллари ва ёш аппаратида иборат.

Кўз олмаси шарга ўхшаган тузилма бўлиб, девори учта пардадан ташкил топган. Ташқи пардаси — оқсил парда ёки склера оқ рангда, ёшликда кўкимтир тусда бўлади, одам кексайганида сарғаяди. Склера олдинги томонда тиниқ; шох пардага айланади, шу парда орқали кўз ичига ёрурлик ўтади.

Склера тагида томирли парда бор, олдинги томонда у рангдор пардага айланади. Томирли парда тагида тўр парда, яъни ранг-тус ва ёруғликни идрок этадиган ҳамда кўрув нерви бўйлаб сезгиларни мияга ўтказиб турадиган сезувчи аппарат ётади,

Кўз гавхари икки томони қавариқ кичик шишачага ўхшаб кетадиган икки томони қавариқ тиниқ эластик танадир. У рангдор парданинг орқасида тик ҳолатда туради ва махсус мускул таъсири билан ўз шаклини ўгартириши— ясси ёки бирмунча қавариқроқ бўлиб қолиши ва шу йўл билан ёруғлик нурларини камроқ ёки кўпроқ синдириб, одам кўзини узоқдан ёки яқиндан кўришга мослаб туриши мумкин. Кўз гавхарининг орқасида кўз бўшлиғи ликилдоксимон тиниқ масса, яъни шишасимон тана билан тўлган. Рангдор парда олдида, шу парда билан шохли парда ўртасида суюқлик билан тўлган бўшлиқ ётади, кўзнинг олдинги камераси деб шунга айтилади.

Ёруғлик нурлари кўзга шох парда орқали тушади, олдинги камерадаги суюқлик орқали, сўнгра кўз қорачиғи орқали ўтиб, кўз гавхарига тушади ва кейин шишасимон тана орқали ўтар экан, йўлда синиб, кўз тўр пардасига етиб боради, ёруғлик нурлари кўринаётган буюм тасвирини кўз тўр пардасига туширади.

Кўз олмасини ҳаракатлантирувчи мускуллар кўз олмасига турли томондан келиб бирикади ва шу йўл билан унинг ҳар томонга қараб ҳаракатланишига имкон беради. Бу ҳаракатлар -иккала кўзда бир-бирига мос бўлади, шунга кўра кўз идрок этадиган тасвир яхлит бўлиб чиқади. Мана шу бирлик бузилганида нарсалар «кўзга иккита бўлиб кўринади» (масалан, кўз қовоғи орқали босиб кўрилса, кўз бир томонга сурилади ва одам иккита тасвирни кўради —тасвир бирлиги бузилади). Одам узоққа кўз тикканида кўзлари тўғри туради, яқинга қараганда, масалан, ўқиш вақтида иккала кўз олмаси ўрта чизик томон бурилади — кўзларни шу тариқа яқинлаштириш конвергенция деб аталади.

Ёш аппарати ёш беи ва ёш суюқлиғини ўтказувчи йўллардан ташкил топган. Кўз юзаси йилтиллаб туради — у нам бўлади, чунки ёшлар билан тинмай намланиб туради. Кўз юшларини кўз косасида кўздан ташқи томонда ётувчи ёш беи ишлаб чиқаради. Ёш томчилари бу ердан кўз юзаси билан қовоқларнинг шиллиқ пардасига тушади ва улар бўйлаб кўзнинг ички бурчагига ўтади, бу ерда кўз қовоқларининг четидаги тешиклари орқали ёш-бурун каналига тушиб, бурунга ўтиб кетади. Кўз ёшларининг шу тариқа айланиб туриши натижасида кўз юзаси намланиб ва тозаланиб боради; кўз ёшининг айланиши узилганида кўз шох пардаси билан шиллиқ пардаси қуриб қоладики, бу кўзнинг ишдан чиқишига олиб қилиши мумкин. Одам йиғлаган вақтида бир талай кўз ёши чиқиб, бурунга тушиб қистишга улгуролмайди ва кўз қовоқлари четидан қуйилиб тушади, мана шунинг учун ҳам кўзга қалқиб чиққан ёшларни яширмоқчи бўлиб одамлар зўр бериб бурнини қоқади ва кўз ёшларини бурнига тортади. Одам тумов бўлганида бурун шиллиқ пардаси шишиб, ёш-бурун каналини беркитиб қўяди ва кўздан ёш оқадиган бўлиб қолади.

Кўз қовоқлари ўртасидаги оралиқ кўз ёриғи ёки кўз кесмаси деб аталади; кўз олмасининг олдинги қисми шу оралиқдан кўриниб туради. Кўзнинг ички бурчагида кўз ёриғи ўткир бурчак билан тугалланади, унинг ичкарасида пушти рангли ёш гўшти ёки ёш қўли кўриниб туради. Кўз қовоқларининг четларида кўзни чанг, шамол, тутундан химоя қиладиган киприклар бўлади, юқори қовоқнинг чети кўз қорачиғи юқори четининг дамида туради; одам турли олдинга қараганда пастки қовоқ чети рангдор парданинг пастки чеккасига тегади, лекин пастки қовоқ ўз ҳаракатларига эргашиб бормайдиган бўлгани учун кўз ҳаракатланганида бу ҳолат ўзгаради. Кўз олмаси пастга бурилганида пастки қовоқ рангдор пардани паст томондан беркитади, одам юқорига қараганида рангдор парда билан пастки қовоқ ўртасида оқсилли парда кўриниб туради. Аксинча, юқори қовоқ кўз олмаси ҳаракатига эргашиб боради ва кўзнинг одатдаги ҳаракатларида-

қовоқнинг тегиб турадиган жойи бир хил бўлади ва фақат мимика ҳаракатларидагина ўзгаради.

Кўз очилганида юқори қовоқ тепароқда ётувчи тери остига киради, шу тери қовоқ устида юқори қовоқни *қоплаб турувчи бурма* ҳосил қилади. Бу бурма баъзан арзимас даражада, гоҳо сезиларли бўлади ва қовоқ устидан бирмунча юқорироқда ётади, баъзида эса, хусусан монголоид ирқига мансуб одамларда юқори қовоқ устидан шунча кўп осилиб турадики, гоҳо қовоқнинг четини ҳам беркитиб қўяди, шунга кўра киприклар бурма тагидан кўриниб туради. Айни вақтда кўзлар шишиб чиққандек бўлиб кўринади ва кўз ёриғи тор бўлади.

Турли одамларнинг кўзлари кўз косасида ҳар хил жойлашгандир: ичкарига чуқур ботган, юзага яқин жойлашган, яъни чакчайиб турган кўзлар бўлади. Кўз олмаси ёғ тўқимаси устида турадиган ва одам озиб кетганида бу тўқима қисман сурилиб кетадиган бўлгани учун кўзлар ҳам кўз косаси ичига сал ботиб тушиши мумкин, турмушда «кўзлари ич-ичига тушиб кетган» деб шунга айтилади.

Кўзлар кўпинча унчалик симметрик булмайди, ҳамиша ҳам бир баландликда етавермайди- портретнинг худду мана шу сифатини пайқаб олиш аксари ўхшашлик масаласини хал қилиб беради. «Салон» портретлари деб аталадиган расмларда сураткаш оригинални «безамоқчи» бўлиб, юзни бошдан оёқ симметрик қилиб қуйиши туфайли ўхшашлик ва жонлилик йуқолади. Аксинча томошабин оригинални билмаган тақдирда ҳам уни расм ўхшайди деб уйлашга мажбур қиладиган бўлса, бу – ўнг ва чап томоннинг ассиметриясини, асосан кўз ва қош ассиметрияларини рассом пайқаб олганлигига кўп даражада боғлиқ бўлади.

қошлар пешона суягининг чети буйлаб жойлашгандир, лекин кўпинча қийшик-юқорироқ ёки пастрокда ётади. Шу муносабат билан бошни тузишда аввал пешонанинг шакли топиб олинади, кейин эса қошлар жойлаштирилади.

Худди кўз ёриқлари сингари ўнг ва чап қошлар ҳам кўпинча паст-баланд бўлиб ётади ва ҳамиша ҳам симметрик бўлавермайди.

Бурун Бурун бурун бўшлиғи устида кўтарилиб туради. Юқори қисми-пешанадан қаншар билан ажралиб турадиган бурун илдизи, пастки қисми—бурун учи, ўрта чизик бўйлаб туташидиган ва бурун қиррасини ташкил қиладиган ён томонлари фарқ қиладди. Ён девори пастки томонда кенгайиб, бурун қанотига айланади, бурун қаноти ёки бурун парраги букилган эгатча билан ён деворидан ва лунждан ажралиб туради. Бурун қаноти бурун тешигини чегаралаб туради: ўнг ва чап бурун тешиклари тоғай тўсиқ билан бир-биридан ажралган. Буруннинг суяк асосини икки ён томондан юқори жағ суяклари, юқори томондан эса бурун суякчалари ҳосил қиладди; бурун тўсиқининг ичкарасида ҳам суяк асоси бор.

Юзни тузишда албатта бурун ўрта чизигини белгилаб олиш ва шу чизикқа нисбатан буруннинг ўнг ва чап яримларини тузиб бориш керак. Бурун учининг олдинги бурун қиррасига нисбатан олдинга кўтарилиб туришига алоҳида қараб борилади, акс ҳолда бурун расми ясси бўлиб чиқади. Расм обрубовка принципига мувофиқ тузилганида бурун икки ён юзаси, қирраси ва пастки юзаси бўладиган шакл тариқасида тузилади. Бурун шаклини аниқ белгилаб олинар экан, тирик одамларнинг бурни (гипс бурунлар эмас) кўпинча тўла симметрик бўлмаслигини эсда тутиш керак — бурун учи одатда бир томонга сал қийшайган бўладики, бу ҳам бурун тешикларининг симметриклигига таъсир илади.

Оғиз тешиги юқори ва пастки лаблар билан чекланган бўлиб, горизонтал жойлашган симметрик букик ёриқдан иборатдир, унинг узунлиги ҳар хил бўладн.

Лаблар — ташқи томонда тери, ички томонда шиллиқ пардадан ҳосил бўлган ҳар хил қалинлик ва шаклдаги симметрик бурмалардир; уларни—қизил пўстчаси билан қопланган лаб жияги бирлаштириб туради. Лабларнинг бағрида мускуллар, безлар ва тери ости ёғ тўқимаси билан бириктирувчи тўқима бор. Лаб жиягининг унга айланувчи шиллиқ пардадан

ташқарида ётадиган қизил йули турмушда лаб деб аталади. Рангининг очиклиги қон томирларининг кўпроқ ёки камроқ бўлишига, шунингдек, тери пўстининг калинлигига боғлиқдир. Устки ва пастки лаблар оғиз бурчакларида бир-бири билан туташади.

Юқори ва пастки лаб ҳар хил шаклда бўлади. Юқори лабнинг ўртасида пастга тушиб турадиган юқори лаб дўмбоқчаси бор, шу дўмбоқчадан лабнинг эркин учи иккала томонга қараб олдин сал юқорига, кейин пастга, оғиз бурчакларига томон боради,

Пастки лабнинг ўртасида юқори лабнинг думбоқчасига мос келадиган чуқурчаси бўлади. Шу чуқурчанинг иккала томонида лаб четлари сал кўтарилиб туради, сўнгра оғиз бурчакларига томон тушиб боради, шу билан бирга лаб жияги аста секин торайиб боради. Пастки лаб жияги четларига томон торайиб борадиган ва ўртаси босилган кўтармага ўхшаб кетади, унинг кесмаси ярим оғиз кесмаси чизиғини чизиб олмасдан, симметрик лаблар шаклини ўнг, чап томонга ва ичкарига қилиб тузиб чиқиш керак; оғиз кесмаси чизиғи юқори ва пастки лаб шакллари тўғри топиш натижасида аниқлаб олинади.

Юқори лаб билан лунжлар ўртасидаги чегарада бурун қа-нотларидан оғиз бурчакларига томон бурун-лаб бурмалари тортилиб келади. Булар болалар ва ёш аёлларда унча сезилмайдиган бўлади. Пластика эшитув органининг фақат ташқи қисми қулоқ супраси, турмушда қулоқ деб аталадиган тузилма ўрганилади. қулоқ тери билан қопланган қулоқ тоғайидан ҳосил бўлган, қулоқ тоғайи торайиб бориб. чакка суягининг ташқи эшитув йўлининг ичкарисига кириб кетадиган тоғайдан иборат қамбар эшитув йулини ҳосил қилади. Шундай қилиб қулоқ чакка суягига ўринлашган ва сўрғичсимон ўсимтанинг олдинги томонида, пастки жағнинг орқа томонида турадиган ўзига хос воронкадир. Бу воронка товушларни тутиб, чакка суягининг ичкарисига ўтказиб беради. қулоқнинг пастки, чакка томонидаги қисми солинчоқ деб аталади ва тоғайи бўлмайди. қулоқ солинчоғи баъзан олдинги томондан пастки жағ териси билан қўшилиб кетган бўлади.

кулоқ супрасининг ичида ўрамасига параллел ҳолда бир кў-тарма гажагининг қаршисидаги ўрама боради: у юқорида уч-бурчак чуқурча деб аталадиган чуқурчани ҳосил қилади. кулоқ супраси гажагининг қаршисидаги ўрама кулоқ супраси чуқурчаси ёки бўшлиғини чегаралаб туради, шу бўшлиқ ичкарисидан эшитув йўли бошланади. Ўша бўшлиқ олдида каттакон дўмбоқча — кулоқ супрасининг супачаси, унинг қаршисида ва пастроқда эса камроқ кўзга ташланадиган дўмбоқ — супача қаршисидаги дўмбоқча бор.

II-БОБ. ТАСВИРИЙ САНЪАТГА ИХТИСОСЛАШГАН МАКТАБЛАРДА ПОРТРЕТЧИ РАССОМЛАР ИЖОДИ БИЛАН ТАНИШТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ВА ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

2.1. Портретчи рассомлар ижоди билан таништиришда ўқитувчи маҳоратининг дидактик имкониятлари

Тасвирий санъатда инсон қиёфасини тасвирлаш қадимдан рассомларни ўзига жалб қилиб келган. Табиатда инсон энг мукаммал ва серқирра объект бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча бадиий ўқув даргоҳларида ҳам инсон қиёфаси, унинг портретини тасвирлашга кўплаб вақт ажратилади. Тирик моделни (ялонғоч модель тасвирини) чизиш қийин вазифа, уни бажариш учун рассомдан доимий машғулотлар давомида эгалланган малака талаб этилади.

Тирик моделдан расм чизишнинг қийин тарафи шундаки, бунда модель қимирламасдан, бир хил ҳолатда тура олмайди, яъни чизиш давомида у бир неча бор ўз ҳолатини ўзгартиради. Бошқа томондан тирик моделда кузатиладиган суяклар ва мушакларнинг яққол ажралиб туриши, уларнинг тузилиши, нисбати, вазифаси ва ҳаракат характерини ойдинлаштиришга имкон яратади. Бундан ташқари модель ўз ҳолатини ўзгартирганида, рассом ўз тасаввури ва хотирасига асосланиб чизишни давом эттириши керак. Бундай иш услуби жуда муҳим бўлиб, қаламлар ва эскизлар чизишда унинг аҳамияти каттадир.

Тирик инсон моделини (ялонғоч инсон қиёфасини) чизиш машғулотларини ташкил этиш ва ундаги расм чизиш кетма-кетлиги гипсдан ишланган модель тасвирини ишлаш жараёни билан деярли бир хил. Модель таглик устида таҳминан 40 см баландликда эркин ҳолатда, рассомга қараб, бир оёўига тиралиб – ушбу ҳолатда чап оёўига тиралиб туриши керак. Модель ҳолати Гудоннинг “Экорше”сини эслатади. Букилган чап қўл тана қисмининг орқа тарафида бўлиб, ўнг қўл эркин ҳолатда пастга осилиб турибди. Бу ерда чап оёқ оғирлик марказидир. Ўнг оёқ эса чап оёққа нисбатан биров олдинроқда жойлашган ва эркин ҳолатда турибди.

Моделга юқори-ён тарафдан кучсиз ёруўлик тушиши керак. Анатомик тузилиш бўйича тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун, моделдан узоқроқ масофада одам скелети ёки Гудоннинг “Экорше”сини жойлаштириш тавсия этилади. Бундан асосий мақсад, олдинги вазифада олинган билим ва

малакаларни тирик одам расмини чизишда таққослаб нисбатлар ҳамда мускуллар тизимини янада аниқроқ тасаввур этишдан иборатдир.

Ўқувчилар бир-бирларидан энг камида модель бўйига бир баробар келадиган масофада, натурадан эса энг камида қоматнинг уч баробари даражасидаги масофада жойлашишлари керак. Бундай масофа уларга моделни бошдан оёғигача перспектив ўзгаришларда кўриш имконини беради.

Рассом тасвирнинг жойлашиш ўрни ва ўлчамларини – расм композициясини белгилайди. Модель позаси ва ҳаракатидан келиб чиққан ҳолда, моделнинг умумий ҳолати ва модель массаси қалам билан енгил чизиб чиқилади.

Расм чизишнинг дастлабки босқичида ҳаракат ҳолати ва асосий нисбатларни кўрсатган ҳолда, бутун моделни умумий кўринишини ёрдамчи чизиқларда тасвирлаш муҳимдир. Тасвирий санъат қонун ва қоидаларидан бизга маълумки, табиатдаги барча шакллар геометрик сиртларга ўхшаш шакллар таркибига асосланади шунинг учун ҳам ушбу ҳолатга мисол тариқасида Дюрер томонидан геометрик шаклларга асосланиб ишланган расмни келтиришимиз мумкин.

Бу ерда модель ҳаракати яққол кўзга ташланади. Елка камари тосга нисбатан деярли тўғри бурчак бўйича бурилган, бош орқага қайрилган. Янада ойдинлик киритиш мақсадида, А.Дюрер кўкрак қафасини геометрик шакл асосида, перспектив ўзгаришларни кўрсатиб, схематик тарзда тасвирлаган. Оғирлик марказидан подиум юзасидаги кесишиш нуқтасигача вертикал чизиқ чизилади. Ушбу нуқтага асосланиб икки товоннинг ўзаро жойлашувини излаш керак. Ҳар бир оёқ жойлашадиган жой товон узунлиги даражасида белгиланади. Катта ошиқдан (соннинг тос билан бирлашган қисми) пастга, оёқ жойлашадиган жой маркази томон тана тиралган оёқнинг умумий йўналишини кўрсатувчи тўғри чизиқ чизилади; иккинчи соннинг катта ошиғидан эркин турган оёқнинг аввал тиззагача бўлган қисми, кейин эса товон марказигача бўлган қисми чизиқ билан белгиланади.

Оғирлик марказидан ўтувчи ва расмда белгиланган бошнинг юқори қисмигача давом этувчи вертикал чизиқнинг умумий узунлиги модель баландлигини ташкил этади. Торс эркин ҳолатда турганида оғирлик марказидан туширилган вертикаль ярем чуқурчасидан ўтади. ҳосил бўлган умумий вертикал чизиққа тананинг қуйидаги алоҳида қисмлари чегараларини кўрсатувчи белгилар чизилади: оёқ, кўкрак ва бош ўлчамини кўрсатувчи белгилар. Бу ерда бошнинг ўрта чизиғи ориентир қилиб олинади ва бош ҳолати овал шакл билан белгиланади; шу усул билан бошнинг бурилиш даражаси ва ҳаракати аниқланади. Ишнинг мазкур босқичида расмнинг образли характериға таъсир қилувчи модельнинг юқори, ўрта, пастки қисми нисбатларига тўхталиб, педагог рассомларға баланд, ўрта ва паст бўйли одамларда бошнинг бутун тана узунлиғига нисбати қандай бўлишини, шунингдек эркак, аёл ва ёш бола қоматлари нисбатлари ўртасидаги фарқларни тушунтириб бериши керак.

Бош баландлиги ва ярем чуқурчасининг жойлашуви бутун модель баландлиғига нисбатан белгилангандан сўнг, енгил чизиқлар билан ўмров суяклари йўналиши чизилади.

Сўнгра модельнинг ярем чуқурчасидан тўш суягининг ҳанжарсимон ўсиғи, ундан киндик ва расмдаги асосий ўзгармас нуқталардан бири бўлган тос суягининг бошланғич қисми - ёнбош суяк томон чўзилган шартли ўрта чизиқ аниқланади.

Расмға кўкрак сўрғичларидан ўтувчи горизонтал чизиқ чизилади; кейин тос суякларининг қирраларидан чизиқ ўтказилади ва шу йўл билан тоснинг горизонтал чизиққа нисбатан қиялик даражаси аниқланади.

Иккита оёққа тиралиб турган модель ҳолатида тос горизонтал ҳолатда бўлади. Тананинг барча оғирлигини бир оёққа ўтказилганида, тос оғирлик тушмаган оёқ томонға эгилади. Тоснинг юқори қисми чизиғи ёнбош суякнинг кўриниб турган қирраларига асосланиб белгиланади.

Кейин икки сон суяғи бошчалари ўртасидаги чизиқ белгиланади. Тана оғирлигини кўрсатиб турган соннинг тос билан бирлашган бошчаси аниқ

кўриниб туради; иккинчи оёқнинг сон бошчасининг жойлашиш ўрни ўзгарганлиги туфайли, унинг ўрнида чуқурча ҳосил бўлади. Икки сон бошчалари ўртасидаги чизикқа параллел равишда, расмда штрихлаб кўйилган тоснинг юқори қисмидан ўтувчи, чизик белгиланади.

Тос чизиғига параллел равишда икки оёқнинг тизза қопқокларидан ўтувчи чизикчизилади (сон бошчаси ва тўпиқ ўртасида). Бундай усулда чизилган белгилар вертикал чизикбўйича модель нисбатларини аниқлашга ёрдам беради.

Модельнинг асосий қисмлари кенглиги - тосдан товонгача ва тосдан бошнинг юқори чегарасигача бўлган қисми штрихлар ёрдамида ойдинлаштирилади. Икки оёқнинг ён томонлари ва тос, торс, елка, қўл, бўйин ва бош ҳам штрихлар билан чизиб чиқилади.

Ишнинг кейинги боскичида ўчирувчи билан ёрдамчи чизиклар ва тасвирланган модель ичидаги барча белгиланган ёрдамчи чизиклар ўчирилади ва тасвирнинг ўлчами ва чегаралари натура билан яна бир маротаба солиштириб текширилади. Бунинг учун дастлаб тасвир ҳажмини кўрсатиб берувчи асосий соя ва тус муносабатлари расмда акс эттирилади ва натижада нисбатларни тўғрилаш ва контурларга штрих билан аниқлик киритиш имкони пайдо бўлади. Бунда модельнинг торс ва бошдан бошлаб, оёқ ва қўлгача бўлган қисмлари устида иш олиб борилади. Оёқ-қўлнинг – елка, тирсак, тиззаларнинг букилган жойларига штрихлар ёрдамида ёрув-соя ёрдамида тус берилади.

Қўл кафтлари ва товонлар биргаликда ишланади, модель тасвири штрихлар билан ишланади ва шакл ҳажми ёрувлик-соя муносабатлари асосида кўрсатилади.

Ўқув машқни бажариш давомида қаламни ботириб чизиш мумкин эмас, чунки хатоларни тузатишда расм қорайиб кетади ва тасвир яхлитлиги бузилади. Ялонғоч модель расмини чизиш босқичлари ва унинг қисмларни умумлаштириш.

Қаламтасвир тасвирий санъатнинг энг муҳим зарурий қисмларидан биридир. Чунки, тасвирлаш билан боғлиқ санъат тури борки уларнинг асосини қаламтасвир белгилайди, тасвирини ички тузилишини намоён этиб туради. Шу сабабдан ҳам тасвирий санъат билан шуғулланувчи, бу соҳада таълим олувчилар учун қаламтасвир асосларини, уни ишлаш амалларини, қонун-қоидаларини пухта ўрганиш муҳим қилиб қўйилади. Бу жараён изчилликда олиб борилади. Одам портретини яратиш, уни ўрганиш борасидаги ишда ҳам тасвирни чизиш методикасини ўзлаштириш зарурияти биринчи ўринда турадиган масаладир. Бу масаланинг ижобий ечимини ҳаётга, ўқув-ўрганиш жараёнига тадбиқ этиш бўйича қадимдан бошлаб турли даврларда яшаб, ижод қилиб ўтган рассомлар етарли даражада илмий ва амалий мерос қолдирганлар. Эндиликда аجدодларимиз қолдирган бу бойликдан самарали фойдаланилмоқда. қаламтасвирда одам қиёфасини тасвирлашнинг илмий-услубий йўллари, методлари ўқув жараёнига самарали тадбиқ этилмоқда. Бунинг исботи эса Низомий номидаги ТДПУ Бадиий-графика факультети ўқитувчи-рассомлари, тадқиқотчи-изланувчиларининг ишларида ҳам кўзга яққол ташланади. Масалан: Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедрасида сўнгги икки-уч йилда ишлаб чиқилган қаламтасвирга оид намунавий дастурлар, маърузалар матни, ўқув-методик қўлланмалар фикримизнинг далили бўла олади. Уларнинг барчасида юқорида айтиб ўтилган ўтмишнинг илғор методлари киритилган бўлиб, ўқув жараёнига мослаб берилган. Шунинг учун педагогика фанлари номзоди, доцент Ботир Бойметов тузган «қаламтасвир» дастури, Баҳром Тожиев билан ҳамкорликда ёзган «қаламтасвир фанидан маърузалар матни» тўплам-рисоласи ҳозирги пайтда турли босқич ўқувчилари ҳамда уларга таълим берувчиларга дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Шунингдек Ботир Бойметов ёзган «Портрет қаламтасвири» ўқув қўлланмаси ҳам кўпчиликка маъқул келмоқда. Катта ўқитувчи Б.Тожиев қаламига мансуб «қаламда манзара чизиш» рисоласи ҳам ўқувчилар таълим жараёнида унумли фойдаланилмоқда.

Ўқув тизимида портрет қаламтасвирини ўргатиш асосан иккинчи ва учинчи синфларда олиб борилади. Дастлаб одам қиёфаси гипс намуналар асосида пухта ўрганиб олинган бўлиши керак. Шунинг учун бунга ҳам эътибор қаратилади. Одамнинг бош, бўйин, елка қисми суяклари, уларнинг мускуллари тузилиши тизими яхшилаб ўрганилади. Бунинг учун машқлар бажаришни ўқувчилар билан олиб бориш билан бир қаторда кўргазмали куроллар ҳам намойиш этилади. Уларнинг бир қисми ўтмиш рассомлари ишларидан, иккинчи қисми эса ҳозирги замон ўзбек рассом-графиклари яратган намуна, ижодий ишларнинг репродукциялари ҳамда асл, яъни имкон даражасида қаламтасвирларнинг оригиналларидан ташкил топган бўлса, учинчи қисм намуналар эса ўқувчилар ишлаган энг яхши ўқув-машқ, академик ишлардан бўлса мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда ўқувчиларга ана шу уч блокдаги намуналарни ўзаро боғлаб, таҳлил этиб кўрсатиш орқали назарий билимларни мустаҳкамлашларига имкон яратиш мумкин. Шундай намуналар тариқасида ўтмиш рассомлари ва педагог усталари А.Дюреръ, Г.Гольбейн, Микеланжело, А.Сапожников, А.Ашбе, Д.Кардовский, П.Чистяков меросидан унумли фойдаланиш мумкин. Ўзбек рассомларидан Р.Ахмедов, М.Набиев, /Абдурахмонов, А.Икромжонов, С.Раҳметов ва бошқа рассомларнинг ижодига мансуб портрет қаламтасвирларидан ўқувчиларга кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларнинг энг яхши қаламтасвирларини ҳам бемалол тавсия этилиши бу соҳани энди ўрганувчиларга тенгдошларининг муваффақиятларидан огоҳ бўлишлари учун йўл очади, уларни фаолиятга ундайди.

Академик расм чизиш қоидалари ва қонуниятларини билиш ўқувчи учун муҳим аҳамиятга эга. Буюк Гёте шундай ёзган эди: «Табиатан рассом бўлган киши табиат ўзи берган қонуниятлар унга зид бўлмаслиги, унинг бутун бойликларидан иборат бўлиши керак. Чунки уларнинг ёрдамида у ўз-ўзини бўйсиндириш ва ўз қобилият – истеъдодини табиатнинг буюк бойликлари каби қабул қилишни ўрганади». (Ботир Бойметов. «Портрет қаламтасвири». Низомий номли ТДПУ, Тошкент, 2001й.)

Одам тасвирини яхши чизишни ўрганишнинг дастлабки босқичларида ўқувчи унинг моҳиятини, демакки, мазмунини чуқур идроклаб олиши даркор. Бунинг учун у машқлар жараёнида қаламлавҳалар, қоралама кичик чизмалар, калла суяги тузилиши, унинг мускуллари жойлашиши қандай бўлишини назарий асосларини ва амалий жиҳатларини билиб, эгаллаб олиши даркор. Бунинг учун етарли даражада кўрғазмали қуроллар бор. Улардан бири ўтмиш ҳайкалтароши-педагоги Гудон яратган «экорше» лардир. Шу туркумдаги намуналар ўқувчи томонидан кўп ва хўп чизиб машқ қилиниши керак. Ундан ташқари Баммес, Барчаи ёзган пластик анатомияга бағишланган китобларни мутолаа қилиниши лозим.

2.2. Ўтказилган тажриба-синов ишларининг мазмуни ва унинг натижаларини таҳлили

Портрет маш³ вазифа сифатида ишланаётган бўлсада, унга алоҳида талабчанлик билан ёндошиш зарур. Чизиладиган кишининг ³иёфасини ўқшатиш энг муҳим ишдир. Бу масалани ижобий равишда этиш композиция, тасвир ранг хусусиятлари, ўзига хос хусусиятли шахсга алоҳадор белгиларни топа ва акс эттира билиш билан боғлиқдир. Ўзув-маш³ учун кўриниши ³изиқарли, юз тузилишлари ифодали, ранги рама чиройли кўринишга эга бўлган киши танланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Одатда портретнинг ³гл тасвири билан бирга ишланадиган хили (торс), бутун гавда тўлиқ акс эттириладиган, рамада хонадаги бошқа уй жиҳозлари билан боғлиқ рамада воқеабандлик касб этувчи композициявий турлари мавжуд. Улар қандай шароитда, қандай атроф-муҳитда ишланиши тасвир маъно-мўъжизасини белгилайди. Академик портрет албатта босқичма-босқич, барча ³йилган талабларга амал қилинган тарзда бажарилади. Уни ишлашдан аввал ³йилма яхшилаб таҳлил қилинади. Ранглавча, кичик ³аламчизгилар қилинади. Улар ёрдамида бўлажак асосий портрет рангтасвирининг тархлари композиция ³онун-умумидан хусусиига, сунг эса яна умумлаштиришга асосланган рамада тартибли ³илиб олиб борилади.

Ишни сифатли олиб боришда рангтасвир технологиясига тўлиқ амал қилинса тасвир мазмундорлигига эришиш энгил кечади. Шунинг рама таъкидлаб ўқиш керакки, портретга ³йиладиган энг асосий талаблардан бири унинг тасвир этиладиган шахсга ўқшаши кераклиги масаласидир. Бу жиҳатни "амалга оширишда акс эттириладиган киши-³иёфачининг ўзига хос феъл-атворини сезиб уни ифода этиш муҳимдир. ³иёфачининг шу сифатлари унинг бош шакл тузилишида, кўз, ³ош, бурун, ёноқ, ияк, пешона, сочларидан сезилиб ўқиши маълум. Уларни шакллари, ранглари табиий кўринишига яқин ³илиб олиш анча синчковликни талаб этади.

Портретда чизиладиган киши кайфияти, руҳий рамага алоҳида аҳамият берилиши керак. Чунки портретда бу жуда катта роль ўйнайди. Композиция мазмунининг нечоғли ечим топиши шунга боғлиқ.

Маълумки ³иёфачи ³андай ³олатда (³тирган ёки тик), ³андай муитда (хона ичида ёки таш³арида) тасвир этилаётганига алоҳида эътиборни ³аратиш лозим. Чунки шунга мувофи³ унинг ранг ечими мал этилади. Таъсирчанлиги, кримлилиги шунга яраша акс этади. Портрет ишлашни грганишнинг энг зарур шarti ўқувчиларнинг уй вазифаси сифатида кпро³ маш³лар бажариши билан белгиланади. Иложи борича ³иёфачиларнинг ёшлари, кгринишлари, жинслари турлича бўлиши, улар хона ичида, таш³арида очи³ маво шароитида турли туман фонлар билан ишланиши зарур. Портретда чизилаётган одамларнинг кийим-кечаклари, бош кийимлари, ³глидаги ёки ёнидаги буюмлар мал маълум даражада ахдмиятлидир. Улар композицияни бойитиб, иш мазмунига мазмун, во³еабандлик баришлаши мумкин.

Одам . гавдаси, баданини рангтасвирини ишлаш энг мураккаб вазифалардан рисобланади. Чунки кийим ичида турадиган ³уёшда ³орайиб ранг олмаган одам териси жуда нозик ранг тусларида бўлади. Уни тасвирлаш, ранг-тусини гхшатиб ифодалаш анча ³ийиндир. Одам гавдасини мал хил кгринишларини турли вазиятларда акс эттириш инсон танаси тузилиши, анатомияси, гзига хос шакл-шамойилини грганишни, плартик ечимини топишни та³озо этади. Шунинг учун чизилаётган одам кексами, ёшми гавдасининг конструктив тузилишини аввало ³аламсуратини чизиб грганилиши керак. Бунинг учун майда ³алам чизмалар, ранглавларлар бажариш, шакл ва ранг-тус муносабатларини тахдил ³илиб грганиш лозим. Шундан сгнг энг ма³бул, чиройли, кгзга яхши ташланадиган жойдан туриб тасвирни матога тушириш бошланади. Унда гавданинг сатхда жойлашиши композиция томонлари пухта гйлаб чизилади. Рангда ишлаганда катта шакл, ранг уй²унлигига мал алоҳида эътибор билан ³аралиши, мутаносиблик барча нарсада гз аксини топиш' керак. Улар эса гавданинг мал бир бўлаги ранги, соя ёрурлигида намоён этилади.

Одам гавдаси унинг соя ва ёрут жойларини яхлит ³илиб мал тус, .мал ранг жиқатидан ишлаб чи³ишдан бошланиб, малжми курсатишга ёрдам

берувчи унсурлар-ярим соя ва акс шуълаларни белгилаш билан давом эттирилади, бунда ранг колорити ҳам мувофи³ тарзда кўрсатилади. Айни³са гавданинг ³орин ва бел ³исмлари ранг жиқатидан жуда мураккаб, нозик товланишли тусларга эгаллиги билан ажралиб туради. Уларни «нюанс»лар ёрдамида ишлаш мумкин. Бунда ҳам тус, ҳам [^]ранг ўзгаришларининг салгина фар³и ҳам ҳисобга олинади. Одам танаси агар кийим билан тасвирланаётган бўлса, кийим тана ³исмлари шаклига монанд бурмалар ҳосил ³илиб туриши ҳисобга олиб ишланади. Акс ҳолда унинг тагидаги бадан сезилмайди ва тана пластикаси бузулиб кўринади. Бунинг учун аввалдан матоларнинг ³андай бурмаланиб туриши, натюрмортлар ишлаш жараёнларида ҳам яхши ўзлаштириб олингани ³ўл келади.

Илгариги маърузаларда биз одам боши ва юзини ³андай ишлаш кераклиги устида тўхталган эдик. Гавда тасвирини бажарганда одамнинг бош ва юз ³исмлари бўйин ва бош³а аъзолар билан биргаликда, узвийликда тасвирланади. Шу томонига алоҳида эътибор ³аратилиши ма³садга мувофи³дир. Чунки уларни пластик ва ³урилиш жиқатидан боғлаб ифода этиш анча мураккаб бўлиб, саъй-ҳаракатлар талаб ³иладиган машкулотдир.

Инсон гавдасини рангтасвирини ³ай йўсинда, ³андай кўринишда ишланган унда албатта ³ўл тасвирининг ўрни каттадир. Чунки ³ўл ҳаракатлари, туриш ҳолати ор³али гавда, инсон танаси вазиятлари, ҳаракатли ҳолатлари я³³ол бўртиб кўринади. ³ўл яхши акс этирилса тасвир эътиборли ва тўқис кўриниш касб этади.

Кийимли портретда ³ўл тасвири ҳатто инсоннинг «иккинчи юзи» деб ҳам аталиши бежиз эмас. У ор³али инсон кайфияти, унинг ички рухий кечинмалари ҳам бўрттириб кўрсатилиши мумкин. Шунинг учун ³ўлга иккинчи портрет сифатида ³араб, худди инсон юзини ³андай эътибор билан ишланса уни ҳам шундай ди³³ат билан тасвирламо³ керак.

Саволлар:

1. Ижодий портрет яратиш жараёни тўғрисида нималарни биласиз?

2. Узбек портрет санъати усталаридан кимларни биласиз ?
3. Портретнинг 3андай турлари бор, уларга мисоллар келтира olasизми?
4. Одам 3иёфасини тгли3 тасвирини ишлашда 3андай мураккабликлар учрайди?
5. Кийимли одам ва ялангоч одам тасвирини бажаришда 3андай гзига хос фар3лар мавжуд?
6. Портретда 3гл тасвири 3ана3а гринни эгаллайди?

Таянч тушунчалар.

Композиция - асар ёки тасвирий ишнинг тарх, ранг ечими. Чизилаётган нарсаларни сатхда чиройли, маъноли 3илиб

Академик — Маш3 3илиш ниятида, махсус 3онун-портрет 3оидаларга амал 3илиб бажарилган одам

Яхлитлик — тасвирланаётган объектни барча

батафсилликлари билан акс эттирган молда, суратнинг умумлашиб, катта шаклга бгйсунган молда кгринишини таъминлаш.

Анатомия — одам танасидаги барча аъзолар тузулиши, функциялари, жойлашишини (суяклар, мушаклар тизими) грганадиган фан.

3аламчизма — тезлик билан, дастлабки таассуротларга асосланиб ишланадиган расм.

Ранглавлар — тезлик билан, дастлабки таассуротларга асосланиб бажариладиган б¹ билан ишланадиган тасвирлар.

Пластика — тана аъзоларининг гзаро мутаносиб ггал тарзда бо²ланиши, унинг тасвирларда акс

./

этиши (шакллар, чизикдарнинг эгилувчанлиги, таъсирчан ифодаси).

Ижодий портрет — маълум ҒОЯ ва мавзуга, ижодий услубга бўйсунувчи, муаллиф хохиши-иродасини гзида мужассам этувчи тасвирий асар.

Торс — чизилаётган, тасвирланаётган киши, ³иёфачининг яримгавда ³исми (гавданинг³ориси, тиззагача ³исми).

Во³еабанд" — бирор раётгий во³еа-родисани акс эттирувчи, мавзуга асосланган асар-композиция.

Хулоса ва тавсиялар

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни ҳамда тасвирий санъат дарсларида бўйича Концепцияси, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатувчи, ижодий тафаккурни ривожлантирувчи усулларни қўллаб, уларга фан асосларидан чуқур билим бериш ҳозирги замон талаби ҳисобланади.

Бу масалада тасвирий санъатга ихтисослашган макткбларда ўқитувчиларнинг тасвирий санъат дарсларидаги роли бениҳоя каттадир. Жумладан, республикамизнинг кўзга кўринган бир неча педагог-олимлари

Ўқитишнинг замонавий усуллари таълим жараёнида қўллаш устида илмий изланиш олиб бормоқда ва бу борада самарали натижалар қўлга киритилмоқда.

Биз тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда портретчи рассомлар ижоди билан таништириш муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиб, олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда портретчи рассомлар ижоди билан таништириш тасвирий санъат дарсларида ўз мазмун ва моҳиятига кўра қандай қилиб, қайси ўқитиш усуллари билан кафолатланган натижага эришиш мумкин деган саволга жавоб беради:
2. Дарс жараёнида ўқитишнинг оптимал, самарали, интерфаол усулларида унумли фойдаланса, мақсадга мувофиқ бўлади:
3. Тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда портретчи рассомлар ижоди билан таништириш дарсларида таълим жараёнини ташкил этиш натижасида унумли мақсадга эришилади: ўқувчининг талаби, эҳтиёжи унинг имкониятлари даражасида қондирилади: унинг ўқув фаолиятига масъулияти, жавобгарлиги ошади: билимларни мустақил эгаллаш малакалари шаклланади: эркин, мустақил, ижобий фикрлаш малакаси шаклланади:
4. Тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда портретчи рассомлар ижоди билан таништиришда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиши, ўқув предметининг хусусияти, мавзуси, мақсадидан келиб чиқиши зарур бўлади:
5. Таълимга янгича ёндашув педагогик ҳамкорликни, ўқувчиларнинг дарсда фаол иштирок этишларини, уларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратишни талаб қилади:
6. Тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда портретчи рассомлар ижоди билан таништиришда ўқувчиларнинг ўқитувчи берган

топшириқни бажаришга кетадиган вақт, бу топшириқни бажаришга бўлган лаёқатини ўқитувчи аниқ тасаввур этиши лозим:

7. Тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда портретчи рассомлар ижоди билан таништиришда ўқитишнинг ўзига хос усуллари танлаш ҳамда бу усулларни амалга оширишга хизмат қиладиган моддий-техникавий асосни яратиш муҳимдир.
8. Тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда портретчи рассомлар ижоди билан таништириш юзасидан қатъий дарс структураси мавжуд эмас. Чунки бу ўқитиш усуллари бирдек барча турдаги дарсларда қўллаб бўлмайди. Шунга қарамасдан таълимни интерфаол усуллар асосида ташкил этишда дидактиканинг умумий принципларига риоя қилинади. Хусусан, бунда таълим ва тарбиянинг бирлиги, кўргазмалилик, илмийлик, онглилик, кетма-кетлик ва изчиллик принциплари алоҳида аҳамият касб этади. Энг муҳими, бу жараёнда ўқитувчидан изланувчанлик, моҳирлик, топқирлик, фаоллик, яъни юқори педагогик маҳорат талаб қилинади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда портретчи рассомлар ижоди билан таништириш усулларни таълим жараёнига жорий қилиши таълим жараёнини тубдан ислох этилаётганлигидан, ўқувчиларнинг таълимда билим субъектига айланаётганлигидан далолатдир.

«Тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда портретчи рассомлар ижоди билан таништириш» тадқиқот мавзусини назарий, педагогик ва методик жиҳатдан таҳлил этиб, шу соҳада илмий изланиш олиб бораётган ходимларга тавсия қиламиз:

- тасвирий санъатга ихтисослашган мактабларда портретчи рассомлар ижоди билан таништиришда ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш, уларнинг эркин фикрлашлари учун интерфаол усулларни қўллаш:

- портретчи рассомлар ижоди билан таништиришда муаммоли вазият яратиш орқали ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини уйғотиш ва уни сўндирмаслик:
- портретчи рассомлар ижоди билан таништиришда ўқувчиларга ўз фикрларини мустақил баён қилишга замин яратиш, у билдирган фикрларни танқидий муҳокама қилмаслик ва уни дарснинг фаол иштирокчисига айлантириш:
- портретчи рассомлар ижоди билан таништиришда ўқитишнинг замонавий усуллари кўллашда синфдаги ўқувчиларнинг ёш хусусияти, қизиқишлари, эҳтиёжлари ва билим имкониятларини яқиндан билиши ва шу асосда дарсни ташкил қилиши:

Тасвирий санъат ўқитувчиси дарсларида сўз, ақл ва фикр билан иш кўрадиган касб соҳиби. Агар у ўз фаолиятини такомиллаштирмаса, билим ва маҳоратини ошириш тўғрисида қайғурмаса, эски эгалланган билимларига маҳлиё бўлиб юраверса, янги-янги педагогик технологияларни, иш услубларини ўрганиб, уни ўз амалиётига сингририб бормаса, ҳаётнинг ўзи уни педагогик фаолиятдан улоқтириб ташлайди.

Битирув малакавий иши сифатида бажарган ишимиз келажакда тасвирий санъат ўқитувчиларига дарсларида шубҳасиз, фойда беришига умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон.1992.-46 б.
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. - Т.: Ўзбекистон. 1995. -23 б.
3. Каримов И.А.Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.:Ўзбекистон.1998. - 686 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоҳда.-Т.: Ўзбекистон. 1999. -

37 б.

5. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. - Т.: Шарқ. 1997. - 63 б.
6. Каримов И.К. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: НМИУ. 2011.
7. Азимов И. Ўзбекистон нақшу ниғорлари – Т.: ./улом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1987.
8. Азимова Б. Натюрморт тузиш ва тасвирлаш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984
9. Амалий санъат қисқача луғати. Тузувчилар. С. С. Булатов, М. О. Аширова – Т.: қомуслар бош тахрияти. 1992.
10. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т.:Халқ мероси.1993. - 224 б.
11. Бойметов Б. Портрет қаламтасвири. – Тошкент. 2001.
12. Барш Л. Наброски и зарисовки. М., 1970.
13. Бойметов Б. Бадиий графика куллийети 1- синф сиртки бўлим ўқувчилари учун қаламтасвирдан методик тавсиялар – Тошкент: 1992.
14. Бойметов Б. қаламтасвир ўқитишнинг илмий асослари. Методик тавсиялар. – Тошкент: 1995.
15. Бойметов Б., Толипова Н. Мактабда тасвирий санъат тугараги. – Тошкент: Фан, 1995 .
16. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. – Т.: Ўқитувчи. 1990. - 230 б.
17. Беспалько В.П. Программированное обучение (дидактические основѣ). - М.: Высшая школа. 1970.- 300 б.
18. Булатов С., Анаханов Б. Ранг психологияси. – Т.: Низомий ном. ТДПУ. 2003

19. Булатов С., Холматов П. Мактаб ва қўшимча муассасаларда касб-хунар тўғаракларини олиб бориш методикаси. Т.: Низомий номидаги ТДПУ . 2003. 29-б.
20. Булатов С., Холматов П. Наққошлик санъатига оид терминлар изохли луғати. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. 2003. 18-б.
21. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати.- Т.: Меҳнат. 2001. - 384 б
22. Кайковус «қобуснома» - Т.: Истиқлол. 1994. – 166 б.
23. Кузин В. Наброски и зарисовки. – М., 1962.
24. Кузин В. Вопросъ изобразительного творчества. – М., 1971
25. Лаптев А. Рисунки пером. – М., 1962
26. Мўъжиза яратиш санъати (тузувчи ва бош муаллиф А.С. Ўролов) – Т.: Меҳнат. 1995.
27. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон. 2001. - 80б.
28. Набиев М., Азимова Б. Расм чизишни ўргатиш методикаси. Тошкент, Ўқитувчи. 1976.
29. Нечаев Н.Н. Психолого-педагогические основѣ формирования профессиональной деятельности. Изд. МГУ. 1988. -166 б.
30. Очилов З. Синфдан ташқари тарбиявий ишларда касбга йўллашни шакллантириш: (Чизмачилик материаллари мисолида). – Т.:Ўқитувчи. –120 б.
31. Растовцев Н. Учебнѣй рисунок – М., 1976.
32. Растовцев Н. Академический рисунок. – М., 1984.
33. Чориев И.Т Система работѣ по профессиональной ориентации учащихся общеобразовательных школ. - Т.: Фан. 1982. -112 б.
34. Шарипов Ш.С. Миллий таълим тизимини шакллантиришда дастурлаштирилган таълим имкониятлари. Ж. Таълим муаммолари. №3.

1999. 22-24 б.
35. Ҳасанов Р. Мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. Тошкент . 1986
36. Ҳасанов Р. Методические основы художественного образования и воспитания в узбекской школе. – Тошкент: Фан. 1990
37. Р.Ҳасанов,Мактабда тасвирий санъат ўқитиш методикаси.-Т.;2004
- Ҳасанов Р. Бошланғич синф дарсларида табақалаштириб ўқитиш. Т.: «Маърифат» газетаси. 2003.
- Ҳасанов Р. Табақалаштирилган таълим муаммо ва ечим // «Маърифат» газетаси. 2003.

Интернет материаллари

1. WWW. amazon.com
2. WWW. dvgu. ru.| umu| didjezt |newknov| yar 99|
3. WWW. adpima. com
4. WWW. sciontologu.org. ru
5. WWW. ip kpol aaa net.ru
- 6 <http://www.ZiyoNET.uz>.
- 7 www.ozon.ru >
- 8 www.ozon.ru/context/detail/id/5821511/
- 9 www.biografia.ru/cgi.../quotes.pl
- 10 www.abc-people.com/.../leonardov/bibliograf.htm

